Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган.
e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com
web sayt: www.21asr.uz

2013 йил 7 февраль, пайшанба, 05 (481)-сон

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР ДАВРИ КЕЛДИ

3 Ислоҳот

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

5 Масъулият

КИМ КИМДАН ЎЧ ОЛАЯПТИ?

7 Халқаро ҳаёт

Депутатлик гуруҳларида

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

— Давлат ва ҳудудий дастурларнинг жойлардаги ижросини таъминлашда депутатлар зиммасига алоҳида масъулият юклатилмоқда, — дейди халқ депутатлари Бухоро шаҳар кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Ахтам Исаев

Бу ислоҳотларнинг бугунги босқичида, айниқса, муҳимдир. 11 кишидан иборат депутатлик гуруҳимиз ҳам ўз йиғилишларида шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолига маданий-маиший, тиббий ва коммунал хизмат кўрсатишни яхшилаш билан боғлиқ масалаларга жиддий эътибор қаратмоқда.

4 ▸▸

Кўргазма

«АСРЛАР САДОСИ»НИНГ ИСПАНИЯДАГИ ТАҚДИМОТИ

30 январь — 3 февраль кунлари Испанияда анъанавий тарзда ўтказиладиган «FITUR-2013» халқаро сайёҳлик кўргазмасида Ўзбекистон стенди намойиш этилди. Стендда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ўтказилган, кўпчилик сайёҳлик компаниялари эътиборини қозонишга муваффақ бўлган «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали ҳам ҳавола этилди.

Мадриднинг «Feria de Madrid» кўргазмалар марказида жаҳоннинг 167 та мамлакатидан келган тўққиз мингдан ортиқ компаниялар ўз стендини намойиш этди.

Осиё мамлакатлари кўргазмаси марказида жойлашган Ўзбекистон стенди ўз салоҳияти ва кўркамлиги билан кўпчилик томошабинлар эътиборини қозонди.

Халқаро сайёҳлик кўргазмаси доирасида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ЮНЕСКО кўмагида мамлакатимизда ўтказиб келинаётган «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали ҳақида тўлиқ маълумот берилди. Фестиваль ҳақидаги видео-роликларни томоша қилган кўплаб сайёҳлик компаниялари вакилларининг мамлакатимиз маданий ва маънавий меросига бўлган қизиқиши янада ортди.

«Туркистон-пресс»

Фермерлик ҳаракати

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «БОШ МАҚСАДИМИЗ — КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЙЎЛИНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШ» НОМЛИ МАЪРУЗАСИДА ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, ЕР ВА СУВ МАСАЛАЛАРИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ ЛОЗИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Зеро, «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони билан фермерлик ҳаракати тарихида янги саҳифа очилди.

Соҳа вакиллари ва таҳлилчиларнинг фикрича, ушбу фармоннинг энг муҳим жиҳати шундаки, у давлатнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тўғридан-тўғри бошқариб боришдан воз кечиш тўғрисидаги сиёсати изчил амалга оширилаётганлигининг яна бир ифодаси бўлди.

Тан олиш керак: фермер қишлоқда шаклланган мулкдорлар синфининг энг етакчи вакили сифатида ижтимоий кучга айланиб бормоқда. Хўш, бу ҳодиса жамиятимизда қандай жиҳатлари билан намоён бўлаяпти? Бошқача айтганда, ксча кичик хўжалик эгаси ва унга хос оддийгина деҳқонча тафаккурга эга бўлган фермер бугунга келиб йирик ва сертармоқ хўжалик соҳиби сифатида қандай янгича сифатларга эга бўлмоқда?

Энг аввало, фермерларда жамиятимизда изчил олиб борилаётган демократлаштириш жараёнларининг натижаси ўлароқ ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқининг мазмун-моҳиятини англаш, ўзлаштириш, қонун устуворлигини таъминлашга интилиш, жамиятдаги барқарорлик учун ўз жамоасида соғлом муҳитни шакллантириш, ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга интилиш асосий мезонга айланганини таъкидлаш лозим. «Мустақиллик — бу ҳуқуқдир» шиори шу маънода ҳам фермерлар фаолиятида яққол гавдаланмоқда. Бунда ҳар бир фермерда ўз тақдирини ўзи яратиш, ўз бахти ва келажаги учун курашиш ҳисси ҳал қилувчи роль ўйнаяпти. Шу ўринда фермерларга берилаётган ҳуқуқ ва имтиёзлар замирида шахс ўз фаолиятини давлат ва жамият манфаатлари билан уйғунлаштирган ҳолда олиб бораётганини қайд этиш лозим.

4 ▸▸

Солих ЭОИР олган сурат

Хўжалик даъволари электрон шаклда жўнатилаяпти

O`ZLIDEP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН **«ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ БИЛАН ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ ЎРТАСИДА ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЛМАШИНУВИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ»**ГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИДА ШУ ҲАҚДА СЎЗ ЮРИТИЛДИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизда кичик бизнес ривожини янги босқичга кўтариш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қиладиган энг муҳим ҳужжатлардан бири сифатида эътироф этилаётган «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасидаги кенг кўламли чора-тадбирлар белгилаб берилган.

2 ▸▸

O`zLiDeP фракциясида

Маҳаллани тадбиркорлик марказига айлантиришнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда

O`ZLIDEP ФРАКЦИЯСИДА **«МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ»** АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН **«ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ТЎҒРИСИДА»**ГИ (ЯНГИ ТАҲРИРДА) ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

O`zLiDeP фракцияси аъзоси Барчиной Машарипованинг таъкидлашича, мазкур қонуннинг қабул қилиниши бир қатор долзарб масалаларнинг ҳуқуқий ечимини такомиллаштиришга хизмат қилади. Хусусан, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш ва жамоатчилик назорати соҳасида ноёб институт ҳисобланган маҳалла ваколатларини янада кенгайтиришда ушбу қонуннинг аҳамияти каттадир. O`zLiDeP эса ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ маҳаллаларда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик, касаначилик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, қонун лойиҳасига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тегишли ҳудуддаги тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан амалга ошириладиган ишларнинг сифати устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, маслаҳат марказларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиш бўйича қўшимча ваколатлар бериш каби таклифлар киритилмоқда.

3 ▸▸

ҲАРБИЙЛАР УЧУН ТУҲФА

Сирдарёда ҳарбий хизматчилар учун 36 та хонадондан иборат 2 та уй фойдаланишга топширилди.

— Оиласидан кўнгли тўқ одамнинг ишида барака бўлади. Қулай, шинам, ҳамма шарт-шароити муҳайё бўлган уйда яшашни орзу қилардим, — дейди кичик сержант Азиз Абдуманнопов. — Мақсадимга эришдим. Бундай эътибордан бир кувончимга ўн кувонч қўшилди.

Ҳарбийлар оиласига хонадонларнинг калитини топшириш маросими катта тантанага айланиб кетди.

Тадбирда вилоят ҳокими Ойбек Ашурматов фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Ўтбосар Абдиев, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси Ғайрат Ҳусаинов ва бошқалар сўзга чиқиб, янги уйларнинг калитини олган ҳарбийларни табриклаб, уларга юртимиз тинчлик-осойишталигини сақлашдек фахрли ишда муваффақият тиладилар.

Соҳибжон ИСМОИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси:

— Таъкидлаш лозимки, айни пайтда Қонунчилик палатасида муҳокама этилаётган қонун лойиҳаларининг аксарияти бевосита кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари билан боғлиқ

Масалан, «Табиий монополиялар тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасининг асосий мақсади ҳам мамлакатимизда ишбилармонлар фаолияти учун янада қулай муҳит яратиш, давлатнинг бошқарув функциялари ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартиришга қаратилгандир.

Унга кўра, амалдаги қонундан ҳозиргача табиий монополия субъектлари қаторида бўлган «транспорт терминаллари хизмати»ни давлат томонидан тартибга солинадиган фаолият турлари рўйхатидан чиқариш таклиф этилмоқда. Бу ўзгартиш электорат манфаатларига, партиямиз дастури ва Сайловолди платформасида белгилаб қўйилган вазифаларга мос келгани учун ҳам фракциямиз аъзолари уни тўлиқ қўллаб-қувватлаяпти. Чунки табиий монополиялар рўйхатидан транспорт терминаллари хизматининг чиқарилиши, ўз навбатида, бизнес тузилмаларининг сафи кенгайиши ҳисобига рақобатнинг юзага келиши ва мазкур соҳанинг жадал ривожланишига хизмат қилади.

Хўжалик-процессуал кодекси ва фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш киритиш юзасидан тайёрланаётган таклифлар ҳам тадбиркор ва фермерлар манфаатидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилаяпти. Маълумки, шу пайтгача мурожаатларнинг ёзма ва оғзаки шакли қонуний асосга эга эди. Эндиликда электрон мурожаат ҳам расмий ҳужжат сифатида қабул қилинади.

Шу маънода, бугунги тадбиримизда тадбиркорлик субъектлари хўжалик судларига даъво аризаларини электрон шаклда топширишнинг қулайликлари ҳақида сўз юритилгани ва ўнлаб амалий таклифлар ўртага ташлангани айни муддао бўлди. Чунки хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги турли низоларни кўриб чиқишда электрон ҳужжат алмашинувининг йўлга қўйилиши ишбилармонларнинг ҳам вақтини, ҳам маблағини тежаши билан бирга, коррупция аломатлари юзага келишининг олдини олади.

БУГУНГИ СОНДА:

«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асосида қабул қилинган ўнлаб қонунлар ўрта қатлам вакиллари учун янада кенг имконият ва имтиёзлар яратди.

2 »

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 5 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	▲ 2089,34	1 АҚШ доллари	▲ 2004,36	1 Хитой юани	▲ 321,80	1 Туркия лираси	▲ 1145,94	10 Япония иенаси	▼ 216,08
1 Англия фунт стерлинги	▼ 3145,64	1 Миср фунти	▼ 298,48	1 Малайзия рингитти	▼ 646,78	1 Швейцария франки	▲ 2206,23	1 Россия рубли	▲ 66,82
1 Дания кронаси	▲ 366,17	1 Исландия кронаси	▲ 15,95	1 Польша злотийси	▲ 655,92	1 ЕВРО	▲ 2705,04	1 Украина гривнаси	▲ 250,76
1 БАА дирҳами	▲ 545,72	1 Канада доллари	▲ 2009,58	1 СДР	▲ 3094,91	10 Жанубий Корея вони	▲ 18,44		

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Хўжалик даъволари электрон шаклда жўнатилаяпти

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Озод РАЖАБОВ,
«XXI ASR»

Хусусан, фармоннинг 5-бандига мувофиқ, 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари ўзларининг даъво аризалари ва илтимосномаларини хўжалик судларига электрон шаклда бериш ҳуқуқига эга бўлдилар. Шунингдек, унда масофадан туриб хизмат кўрсатишнинг «Интернет-банкинг» тизими орқали солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириш, божхона юкларини расмийлаштиришда товарларни электрон тарзда декларациялаш, «бир ойна» тамойили бўйича юридик шахсларнинг кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқларини ҳам худди шу шаклда рўйхатдан ўтказиш назарда тутилган.

— Бугунги давра суҳбатидан кўзланган асосий мақсад ана шу янгиликларни партия электоратига етказиш баробарида юртимизда қулай ишбилармонлик муҳитини вужудга келтириш бўйича амалга оширилган ишлар самарасини кўрсатишдан иборат, — дейди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Муҳаммадюсуф Тешабоев. — Зеро, бундай саъй-ҳаракатларнинг ҳаётий натижалари халқаро миқёсда ҳам эътироф этилаётир. Мисол учун, Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, 2012 йилда Ўзбекистон бизнесни юритиш рейтингида 14 поғона юқорига кўтарилган.

Бироқ бу ҳамма муаммолар ҳал этилди ва олдимизга қўйилган мақсадларга эришдик, дегани эмас. Аксинча, бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш, бизнес юритиш шарт-шароитларини эркин бозор иқтисодиёти стандартларига тўлиқ мослаштириш, регламентга солувчи таомилларни янада соддалаштириш, арзонлаштириш ва қисқартириш, назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг электрон тартибини жорий этиш юзасидан амалга ошириладиган тадбирларнинг кўлами ҳали ниҳоятда кенг. Бундай вазифалар тадбиркор ва фермерлар манфаатини ҳимоя қилаётган O`zLiDeP зиммасига катта масъулият юклайди.

Электрон ҳужжат алмашинувининг йўлга қўйилиши тадбиркорлик субъектлари учун иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиб, ишбилармонларнинг вақти ва моддий ресурсларини сезиларли даражада тежайди, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг унумдорлиги ошишига хизмат қилади. Зеро, бугунги кунда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 54 фоизга етгани, саноат маҳсулотининг 91 фоизи ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг деярли барчаси нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келаётгани бежиз эмас.

Юртбошимизнинг «Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» номли маърузасида алоҳида қайд этилганидек, иқтисодиётнинг барча соҳаларига, кундалик ҳаётимизга замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш бўйича ижобий маънодаги портлаш эффектини берадиган ўзгаришларни амалга оширмасдан туриб, истиқболдаги мақсадларимизга эришиш қийин. Шу маънода, қисқа вақт мобайнида нафақат ахборот хизматлари кўрсатишнинг кўплаб турлари бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этишимиз, балки ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида юксак даражага эришган илғор мамлакатлар сафига қўшилишимиз зарур.

Таъкидлаш ўринлики, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва истиқболли лойиҳалар Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида тадбиркорлик субъектларининг хўжалик судларига даъволарини электрон шаклда йўллаш имконини беради. O`zLiDeP эса бу борада уларга ёрдамлашишни ўзининг асосий мақсадларидан бири, деб билади.

Ўтган йили Савдо-саноат палатаси, Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази, ўндан ортиқ вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида ташкил этилган қўшма йиғилишда ҳам «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлар ижросини тўла таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар белгиланиб, тегишли қарорлар қабул қилинган эди.

Айни пайтда эса ҳамкор ташкилотларнинг муштарак мақсад ва вазифалари асосида 2012-2013 йилларга мўлжаллаб тайёрланган алоҳида дастур изчиллик билан амалга оширилмоқда. Жумладан, барча ҳудудларда юқорида тилга олинган фармонлар моҳиятини электорат вакилларига етказишга қаратилган кенг миқёсли тарғибот-тушунтириш ишлари, махсус ўқув-семинарлар ва давра суҳбатлари уюштирилди. Ҳозир ҳам давом этаётган бу жараённи самарали якунлаш учун ҳамкор ташкилотларнинг барча бўғиндаги тузилмалари, O`zLiDePнинг ҳудудий партия кенгашлари, Сиёсий таълим марказлари, БПТлар етакчилари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ҳам сафарбар этилган.

Бироқ, давра суҳбати иштирокчиларининг қайд этишича, бу борада амалга оширилаётган ишларни миқдор ва сифат жиҳатидан замон талабларига тўлиқ жавоб беради, деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, O`zLiDeP Сайловолди платформасидан келиб чиққан ҳолда, ўрта синф манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган амалдаги қонунчилик ва уни ҳаётга татбиқ этиш механизмларини янада такомиллаштириш, тадбиркорлар ҳуқуқи тўла таъминланишида хўжалик судларининг ролини кучайтириш бўйича бошланган ишларни янги босқичга кўтариш лозим, деб ҳисоблайди. Шу маънода, тадбиркорлик субъектлари билан хўжалик судлари ўртасида электрон ҳужжат алмашинувининг жорий этилиши ҳар икки томон учун ҳам ғоят самарали йўлдир. Бунда O`zLiDePнинг барча бўғиндаги тузилмаларидан қўйилган ҳар бир вазифани белгиланган муддатда юқори савияда амалга ошириш талаб қилинади.

Қизғин баҳс-мунозаралар руҳида ўтган тадбир якунида бир қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шуҳрат САИДОВ,
Олий хўжалик суди раиси ўринбосари:

— Хўжалик судларининг қонун устуворлигини таъминлаш, шартнома муносабатлари юзасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш ҳамда тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятини таҳлил қилар эканмиз, бундай ишларнинг сони сезиларли даражада ошаётганини кўриш мумкин. Жумладан, 2001 йилда хўжалик судлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манфаатини кўзлаб кўрилган ишлар қарийб 2,2 мингтани ташкил этган ва улар фойдасига 3,5 миллиард сўмга яқин маблағ ундирилган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич тегишлича 27,5 мингтага ва 155,5 миллиард сўмга етган. 2012 йилда эса бу йўналишда кўрилган ишлар сони 26523 тани, ишбилармонлар фойдасига ундирилган маблағлар миқдори эса 247,8 миллиард сўмни ташкил этди.

Маълумки, бугун ҳеч бир соҳани, хусусан, суд-ҳуқуқ тизими ривожини ҳам замонавий ахборот-коммуникация технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу борадаги ишларимизни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришда эса Президентимизнинг 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида амалга оширилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур фармоннинг 5-бандига асосан, 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари учун хўжалик судларига даъво аризалари ва илтимосномаларни электрон шаклда тақдим этиш имконияти яратилди. Бунинг учун эса Олий хўжалик судида марказлаштирилган электрон дастурий маҳсулот яратилиб, «Хўжалик судларига тадбиркорлик субъектлари томонидан даъво аризалари ва илтимосномаларни электрон кўринишда беришнинг вақтинчалик тартиби» тасдиқланди.

Ҳозирги кунгача economical-court.uz манзилидаги расмий сайтимизга 120 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти мурожаат қилгани бу тарзда ишлашга қизиқиш қанчалик юқори эканини кўрсатиб турибди. Яна бир нарсани таъкидлашни истардимки, шу йилнинг 1 июнидан бошлаб суд муҳокамаси иштирокчиларини хабардор қилиш ва уларга суд ҳужжатларини юбориш ҳам электрон воситалар орқали амалга оширилади.

O`ZLIDEP САЙЛОВОЛДИ ПЛАТФОРМАСИДАН

«БИЗ СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИДАГИ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ВАЗИФАМИЗ МУЛКДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН ҚОНУН НОРМАЛАРИ ҲАМДА ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШДАН, СУДГАЧА ВА СУД МУҲОКАМАСИ ПАЙТИДАГИ ХЎЖАЛИК НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ ТАЪСИРЧАН МЕХАНИЗМИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШДАН ИБОРАТ, ДЕБ ҲИСОБЛАЙМИЗ».

Рауфхон ШАРИПОВ, O`zLiDeP Бектемир туман кенгаши раиси:

— Жаҳонда кечаётган молиявий-иқтисодий инқироз, айрим давлатларнинг ташқи қарзлар гирдобига кириб қолаётгани, ишлаб чиқариш пасайиб, харид талабининг камайгани, аҳоли ўртасида ишсизликнинг ошиб бораётгани билан боғлиқ воқеликлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиёт ҳеч қачон қандайдир башорат ва фаразлар ёрдамида ёки рейтинг агентликлари берган маслаҳатлар асосида бошқарилмайди. Қачонки, у узоқни кўзлаган аниқ режа асосига қурилса, ҳар бир йўналиш бўйича муддатли ва манзилли дастурлар ишлаб чиқилиб, улар ижросининг мунтазамлиги таъминланса, энг муҳими, амалга оширилган ишлар аҳоли турмуш фаровонлигига қаратилган бўлсагина ўз самарасини беради.

Ўзбекистон танлаган йўл, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва ҳаётимизга изчил татбиқ этилаётган, бугун жаҳоннинг энг кўзга кўринган иқтисодчилари ҳам эътироф этаётган тараққиётнинг «ўзбек модели» бунинг яққол исботидир. Бу йўл дунёда глобал молиявий-иқтисодий инқироз юзага келган бир шароитда ҳам ишлаб чиқариш ҳажмининг барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, ялпи ички маҳсулот ҳажми ўсишининг 8 фоиздан кам бўлмаслигини таъминлаш имконини берди. Бугунги давра суҳбатида муҳокама қилинаётган масала - тадбиркорларнинг даъво аризаларини хўжалик судларига электрон шаклда топшириш ҳуқуқига эга бўлгани ҳам ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисмидир.

Президентимиз 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ўтган йилда эришилган ютуқлар таҳлил қилиниб, олдинда турган энг асосий вазифалар ҳам белгилаб берилди. Уларни амалга оширишда иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилаш кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, бизнес юритиш муҳитини янада яхшилаш марказий ўрин тутади.

Шуниси эътиборлики, O`zLiDeP томонидан бу борадаги ишлар, яъни тадбиркорлик эркинлиги кафолатларини амалда таъминлаш, мулкдорлар қатламини кенгайтириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, хўжалик юритувчи субъектларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш масалалари давлатимиз раҳбари маърузасида белгилаб берилган вазифалар билан чамбарчас боғлиқдир. Шундай экан, партиямиз сафларида сиёсий иродасини намоён этаётган мулкдорлар қатлами, ишбилармон фермерлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, ишлаб чиқариш соҳасидаги мутахассислар, ўз ташаббусини шижоат билан илгари суриш эвазига фаровонликка эришишга интилаётган барча-барча инсонлар яқдил бўлиб ҳаракат қилсалар, Сайловолди платформамизда белгилаб қўйилган мақсадларга тезроқ эришамиз.

Ташаббускорлик ва қатъият талаб этилмоқда

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «БОШ МАҚСАДИМИЗ — КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЙЎЛИНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШ» НОМЛИ МАЪРУЗАСИДА БАЁН ЭТИЛГАН МУЛОҲАЗАЛАР, ҚАЙД ЭТИЛГАН ДАЛИЛ ВА РАҚАМЛАР ҲАМДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР 2012 ЙИЛДА ҲАМ ЎЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИБ, ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ ҲАЖМИНИНГ 8,2 ФОИЗ ЎСИШИГА ЭРИШГАН ЎЗБЕКИСТОННИНГ КУЧЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЭГА ЭКАНИНИ КЎРСАТДИ

Пўлат РЕЙМОВ,
Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутати,
O`zLiDeP фракцияси аъзоси

Зеро, бугунга келиб ҳам дунё иқтисодиёти таназзулдан чиқиш йўлларини излашда давом этаётган, 2015 йилга бориб жаҳон миқёсида 205 миллион кишининг ишсиз қолиши башорат қилинаётган бир пайтда Ўзбекистонда 2012 йили 1 миллиондан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди. Жами харажатларнинг 59,9 фоизи эса ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилди.

2012 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига 11 млрд. 700 млн. доллар миқдорида ички ва хориж инвестицияси жалб этилиб, бу кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ошганига ҳам таҳлилчилар алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Шу ўринда жами инвестицияларнинг 22 фоиздан зиёди хориж инвестицияси эканини қайд этиш лозим. Бу, шубҳасиз, Ўзбекистондаги барқарорлик, ривожланаётган иқтисодиёт, мамлакатда ҳукм сураётган тинчлик ва хотиржамликка бўлган мустаҳкам ишонч натижасидир.

Агар она-Ватанимизнинг мустақил тараққиёт йўлига чуқурроқ назар ташласак, 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган давр миллий давлатчилик асосларини шакллантириш, беқиёс ўзгаришларни ўз ичига олган ислоҳотларнинг дастлабки босқичи бўлганини кўрамиз. 2001 йилдан эса бугунги кунгача бўлган муддатни ўз ичига олган навбатдаги босқич — иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ этиш, аҳоли турмуш даражасининг муттасил ўсиб боришини таъминлаш даври бўлди. Ана шу даврда қабул қилинган қонунлар, Президент фармони ва қарорлари бугунги натижалар учун мустаҳкам асос яратди.

2012 йилда эришилган натижалар ҳам шундан далолат бермоқда. Хусусан, ўтган йили умумий қиймати 1 млрд. 600 млн. доллардан ортиқ бўлган капитал қўйилмалар ўзлаштирилиб, 205 та йирик инвестиция объекти қуриб битказилгани, аграр секторнинг том маънодаги соҳибларига айланган фермерлар томонидан 3 млн. 460 минг тоннадан зиёд пахта, 2 млн. тоннадан зиёд картошка ва 9 млн. тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилди.

Шу ўринда 2012 йил якунлари ва 2013 йилдаги устувор вазифаларга бағишланган мажлисда тадбиркорлик ва фемерликни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганини таҳлилчилар алоҳида тилга олмоқдалар.

Бундан ташқари, ўтган йили мамлакатимизда ташкил этилган 1 миллиондан ортиқ янги иш ўрнининг 62 фоизи қишлоқларда яратилди. Энг муҳими, бу жараёнда давлат ва жамият олдидаги ижтимоий масъулиятини теран англаётган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари томонидан 485 мингта янги иш ўрни яратилди. 2013 йилда эса бу кўрсаткичларнинг янада яхшиланишига шубҳа йўқ.

Чунки 2012 йили «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да қабул қилинган ўнлаб қонунлар ўрта қатлам вакиллари учун янада кенг имконият ва имтиёзлар яратиш имконини берди. Айниқса, ишбилармонлик муҳитининг жаҳон тажрибасида қабул қилинган мезонларига мос тарзда яхшиланаётгани ўрта қатлам фаолиятини мустаҳкамламоқда.

Шунинг учун ҳам «Обод турмуш йили» дея ном берилган 2013 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 500 мингта иш ўрни яратиш режалаштирилаётгани тилга олинаяпти.

Бу эса ўз-ўзидан тадбиркорлар, фермерлар манфаатини ҳимоя қилаётган O'zLiDeP ва унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясидан ана шу жараёнда фаол иштирок этишни, соҳага оид қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, давлат ва ҳудудий дастурлар ижросини таъминлашда ташаббускорлик ҳамда қатъият кўрсатишни тақозо этади.

2012 йилда эришилган улкан натижаларни шу маънода ҳам истиқлолнинг дастлабки йилларида тўғри танланган тараққиёт йўлининг беқиёс ҳосиласи сифатида эътироф этиш жоиз. Зотан, бу йўл Ўзбекистонни тобора ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб жой олиши учун мустаҳкам кўприк вазифасини ўтамоқда.

Матбуот анжумани

БИР ЙИЛДА — 62 МЛН. ТОННА

Миллий Матбуот марказида «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг ўтган йили амалга оширган чора-тадбирлари, 2013 йил учун белгилаб олинган мақсад-вазифаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда таъкидланганидек, 2012 йилда мамлакатимиз темир йўллари орқали 62 млн. тонна юк жўнатилиб, 11,4 млн. тоннадан ортиқ транзит юк ташилган, тармоқнинг саноат корхоналарида энг замонавий йўловчи ташиш, ёпиқ ва бошқа турдаги махсус вагонларни тайёрлаш йўлга қўйилган. Бундан ташқари, халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацион биржалар давомида умумий қиймати 122,7 млрд. сўмлик жами 60 га яқин шартномалар имзоланиб, уларга мувофиқ 650 дан ортиқ янги иш ўрни яратилган.

— Мамлакатимизда темир йўл соҳасида ҳам изчил ислоҳотлар, йирик бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, — дейди «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК бошқаруви раиси ўринбосари Шерзод Исматиллаев. — Сўзимиз исботи сифатида темирйўлчиларимиз томонидан «Ҳайратон — Мозори-Шариф» темир йўлининг бунёд этилганлиги, Марказий Осиё минтақасидаги дастлабки юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» поездлари қатновининг йўлга қўйилганини айтиб ўтиш мумкин.

Маҳаллани тадбиркорлик марказига айлантиришнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Озод РАЖАБОВ,
«XXI ASR»

Мазкур маслаҳат марказларининг тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилмоқчи бўлган фуқаролар учун қисқа муддатли курслар ташкил этиши, кичик бизнес субъектлари учун мавжуд имтиёзлар ва преференциялар ҳақида маълумот бериши, ёшларнинг ишга жойлашишига, уларнинг ташкилотлар ҳамда ҳунармандларга бириктирилишига кўмаклашиши, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик субъектларига қонуний ҳуқуқларидан фойдаланишда, кредит олиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлашда кўмаклашиши ҳақидаги қоида ва нормалар ушбу қонун лойиҳасининг асосий предметларидан ҳисобланади. Бундан ташқари, қонун лойиҳасида илгари қабул қилинган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳақидаги қонунчилик ҳужжатларининг ўз кучини йўқотган, деб топилиши назарда тутилмоқда.

— Таклиф қилинаётган янги нормалар маҳалланинг жамиятдаги роли ва аҳамиятини янада ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилгани боис ушбу қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан маъқулладик, — дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Шароф Омонов.

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги (янги таҳрирда) қонун лойиҳасини ҳам фракция аъзолари чуқур таҳлил қилдилар. Депутатларнинг фикрича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш масалаларида ҳокимиятнинг вакиллик органлари, энг аввало, Олий Мажлис Сенатининг роли ва масъулиятини янада ошириш билан бевосита боғлиқдир. Зеро, мазкур қонун лойиҳаси орқали Сенат Кенгашини сайловни ўтказиш муддатларини белгилашга масъул орган сифатида белгилаш таклиф этилаяпти.

Ўтган давр мобайнида тўпланган тажриба ва амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказилиши муддатларининг олий вакиллик органи қарорига биноан белгиланиши демократик тамойилларга тўла мос келади. 2006 ва 2008 йилларда бўлиб ўтган сайловлар хулосалари ҳам фикримиз тасдиғи бўлиши мумкин. Яна бир муҳим жиҳати, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи таркибига халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари ҳам киритилиши мумкин.

Сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш учун бевосита масъул бўлган органларнинг ваколатларини аниқлаштириш, улар ўртасида вертикал алоқани ўрнатган ҳолда ваколатларини чегаралаш масалалари ҳам қонун лойиҳасида ўз аксини топган. Шу мақсадда ишчи гуруҳига мазкур ҳудудда истиқомат қилувчиларнинг фуқаролар вакилларини сайлаш юзасидан умумий йиғилишини ташкил этиш ва ўтказиш, сайланган фуқароларнинг вакиллари ҳақидаги маълумотлар кўрсатилган фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши)нинг баённомасини тузиш, маҳалла оқсоқоли ва унинг маслаҳатчилари вазифасига номзоллар юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича қўшимча ваколатлар берилаяпти.

Катта ҳаётий тажрибага эга, аҳолининг ҳурмат ва ишончига сазовор бўлганларнинг сайланишини таъминлаш мақсадида қонун лойиҳасида фуқаролар йиғини раиси номзодига қўйиладиган талабларни янада кучайтириш назарда тутилмоқда. Хусусан, номзоллар албатта Ўзбекистон фуқароси ва камида кейинги беш йил давомида шу маҳаллада яшаган бўлиши каби қатъий талаблар киритилмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳасида фуқаролар йиғини органларини шакллантириш муддатлари аниқлаштирилиб, раис вазифасига кўрсатилган номзодлар сайлов бошланишидан олдин фуқаролар йиғини олдида ўз дастурини эълон қилиши белгилаб қўйилмоқда. Бир сўз билан айтганда, ушбу ҳужжат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини амалга оширишнинг ошкоралигини таъминлаш, тизимни янада такомиллаштириш ва демократлаштиришга қаратилгандир.

— Фракция муҳокамасига киритилган навбатдаги масала — «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган, деб топиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонининг ижроси юзасидан ишлаб чиқилган, — дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Насим Алимов. — Лойиҳанинг асосий мақсади тадбиркорлик субъектларига кенг эркинликлар бериш, уларнинг жавобгарлигини янада либераллаштиришдан иборат.

Фармонда таъкидланганидек, давлат ва назорат идораларининг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин камайтириш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини сезиларли равишда кенгайтириш бўйича қабул қилинган чораларга қарамасдан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишига тўсқинлик қилаётган бир қатор муаммолар ҳал этилмай қолмоқда.

Шу муносабат билан мазкур қонун лойиҳаси орқали Хўжалик процессуал кодексининг 12-моддасига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига қўшимчалар киритиш, Божхона кодексини 7^1-моддаси билан тўлдириш таклиф этилмоқда.

Ўрнатилаётган янги тартибга мувофиқ, қонунчиликни бузганлик учун бутун ташкилот эмас, балки айбдор мансабдор шахслар жавобгар бўлади. Бунда мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги кучайтирилиши баробарида юридик шахслар учун бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари сақланиб қолаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Юридик шахслар учун солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш билан боғлиқ бўлмаган молиявий санкцияларни бекор қилиш зарурияти келиб чиқиб, 13 та қонун ҳужжатига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилаяпти. Бундан ташқари, «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги қонунни ўз кучини йўқотган деб топиш, «Реклама тўғрисида»ги қонундан реклама берувчи, реклама тайёрловчи ва реклама тарқатувчи юридик шахсларнинг мазкур қонунни бузганлиги учун жавобгарлиги тўғрисидаги нормаларини чиқариб ташлаш таклиф этилмоқда. Лекин бундай ўзгартишлар банк ва банкдан ташқари молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ молиявий санкцияларга татбиқ этилмайди.

Фракция йиғилишида, шунингдек, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам атрофлича кўриб чиқилди ва муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ХАБАРЛАР

БИРЛАМЧИ ЭЪТИБОР — ЁШЛАРГА

O`zLiDeP Оҳангарон туман кенгашининг «Ёшлар қаноти» ва «Аёллар қаноти» бўлимлари «Ёшлар ва тадбиркорлик: режалар ва уларни амалга ошириш йўллари» мавзусида давра суҳбати ўтказди.
150 нафарга яқин фаол ёшлар иштирок этган тадбирда Юртбошимизнинг «Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» номли маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашда ёшлар иштироки масалалари атрофлича муҳокама қилинди.
Таъкидланганидек, ушбу маърузада 2013 йилда амалга оширилиши лозим бўлган устувор мақсадларимиз акс эттирилган бўлиб, унинг ижросини таъминлашда сиёсий партияларнинг ёшлар ва аёллар билан ишловчи бўлимларининг ҳам муҳим ўрни бор. Зеро, унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурати илгари сурилганлиги O`zLiDeP зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар қўяди.
Тадбирда O`zLiDeP Оҳангарон туман кенгашининг янги йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режасига ўзгартишлар киритилаётгани таъкидланиб, унда тадбиркорликни бошламоқчи бўлган ёшлар масаласига алоҳида ёндашилаётгани айтиб ўтилди.

«АЁЛЛАР ҚАНОТИ»

Қорақалпоғистон: «Қатъий ҳаётий позициясига эга бўлган инсонни тўғри йўлдан қайтариб бўлмас» O`zLiDeP «Аёллар қаноти» ташаббуси билан Нукус шаҳрида ташкил этилган ана шу мавзудаги тадбирда мамлакатимизда амалга оширилаётган ички ва ташқи миллий сиёсат, хотин-қизлар ўртасида ғоявий-тарбиявий ишларни кучайтириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.
Давра суҳбатида сиёсий фаол, профессионал жиҳатдан етук кадрлар захирасини шакллантириш «Аёллар қаноти»нинг асосий вазифаларидан бири эканлиги таъкидланди.

Фарғона: «Аёллар қаноти»нинг жисмонан соғлом авлодни дунёга келтириш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг тиббий саводхонлигини ошириш масалаларига бағишланган навбатдаги давра суҳбати Қувасой туманида бўлиб ўтди.
Тадбирда хотин-қизларнинг тиббий саводхонлигини оширишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни янада кучайтириш, соғлом авлодни тарбиялаш учун мамлакатимизда яратилган шарт-шароитлардан самарали фойдаланиш зарурлиги хусусида сўз юритилди.
Шунингдек, давра суҳбатида сўзга чиққанлар тумандаги тадбиркор ва фермер хотин-қизлар дуч келаётган айрим муаммоларни аниқлаш, уларни қонун доирасида ҳал этиш, аёллар ва ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишда нодавлат нотижорат ташкилотлар кўмагидан кенгроқ фойдаланиш лозимлигини қайд этдилар.

Н. ҚАҲҲОРОВА тайёрлади.

Муносабат

Улкан имкониятлар даври келди

ИСТИҚЛОЛНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДА ТАДБИРКОРЛАРИМИЗ ҚАНДАЙ ЙЎЛ БИЛАН МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАҚИДА КЎПРОҚ ЎЙЛАГАН БЎЛСАЛАР, БУГУНГА КЕЛИБ ҚАЙСИ СОҲАДА РАҚОБАТ КУЧСИЗРОҚЛИГИ ХУСУСИДА МУЛОҲАЗА ЮРИТАДИГАН БЎЛИБ ҚОЛИШДИ

Шункор УМРЗОҚОВ,
O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси, «Сарвар Азиз Умарзода рамзи» фермер хўжалиги раиси

Менимча, айнан шундай ёндашув юрт ободлиги, иқтисодиётнинг қай даражада ривож топаётганини англатади. Бугун мамлакатимизнинг қай бир ҳудудида бўлманг, ҳали ишга тушмай туриб маҳсулотига харидори тайёр бўлган ишлаб чиқариш корхоналарига кўзингиз тушади. Ҳатто бундай ҳолларга ажабланмай ҳам қўйдик. Замонавий дўконлар пештахтасидаги турли хилдаги маҳсулотларга қаранг. Уларнинг аксариятида «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган ёрлиқни кўрасиз.

Вазирлар Маҳкамасининг «2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари»га бағишланган мажлисида Президентимиз мамлакатимизда ҳар йили миллиардлаб доллар миқдоридаги маблағ келажакка сармоя сифатида сарфланаётганини таъкидладилар. Бунда тадбиркор ва ишбилармонлар ҳамда фермерлар фаолиятига юқори баҳо берилди. Тошкент вилоятида ҳам 40 мингдан ортиқ тадбиркор иш олиб бормоқда. Айни пайтда қай бир туманда бўлманг, маҳсулотлари дунё андозаларига тўла жавоб берадиган йирик корхоналарни кўрасиз. Ўтган йилдан бошлаб «Ангрен эркин индустриал-иқтисодий зонаси»нинг ташкил этилиши эса вилоят иқтисодиётининг янада ривожланиши, аҳоли бандлик даражасининг ортиши учун кенг имкониятлар ярата бошлади. Президентимиз таъкидлаганларидек, ҳозир Ангренда умумий қиймати 186 миллион АҚШ долларига тенг 8 та инвестиция лойиҳасининг амалга оширилаётгани, яқин келажакда эса умумий қиймати 245 миллион долларлик яна 22 та рентабелли лойиҳани жорий этиш масаласи кўриб чиқилаётгани ҳам минтақада нечоғлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганидан далолатдир. Қолаверса, мазкур зонада фаолият кўрсатаётган корхоналарга 3 йилдан 7 йилгача бўлган муддатга солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши Ангренда ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган тадбиркорлар учун катта имконият бўлди. Ангрен шаҳри билан фермер хўжалигимиз жойлашган Оҳангарон тумани оралиғи 30-40 километрни ташкил этади. Ана шундай имтиёзлардан фойдаланган ҳолда биз ҳам келажакда ўз маҳсулотларимизни қайта ишлайдиган цехлар ташкил этишни режалаштираяпмиз.

Бир сўз билан айтганда, Юртбошимиз ташаббуслари билан амалга оширилаётган улкан ишлар 2013 йилда ҳам мамлакат келажаги ва аҳоли фаровонлиги янада юксалишидан далолат бермоқда.

«Аёллар қаноти»

Оилавий тадбиркорлик — кенг имкониятлар калити

АЁЛЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ, УЛАРНИНГ ЖАМОАТ ИШЛАРИДА, ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА ФАОЛ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ O`ZLIDEPНИНГ САЙЛОВОЛДИ ПЛАТФОРМАСИ ВА БОШҚА ҲУЖЖАТЛАРИДА БЕЛГИЛАБ ОЛИНГАН ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРДАН БЎЛИБ, УНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ЖОЙЛАРДАГИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТМОҚДАЛАР

Наргиза ҚАҲҲОРОВА,
«XXI ASR»

O`ZLIDEP САЙЛОВОЛДИ ПЛАТФОРМАСИДАН

ПАРТИЯ ЎЗ ОЛДИГА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ИЖТИМОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ КАСБИЙ, МАЪНАВИЙ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЎСИШИГА КЎМАКЛАШИШ, БАНДЛИК МАСАЛАЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ, МЕҲНАТ ШАРОИТИНИ ЯХШИЛАШ, АЙНИҚСА, ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ЖАЛБ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИНИ ҚЎЯДИ.

O`zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» ташаббуси билан ўтказилган «Кичик бизнеснинг катта имкониятлари» мавзуидаги давра суҳбатида ҳам айни шу масала атрофлича муҳокама қилинди.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъий давом эттириш» номли маърузасида белгиланган устувор вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш, шунингдек, давлат ва жамият қурилишида хотин-қизлар иштирокини янада кенгайтириш, либерал-демократик ғоялар, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотлар мазмун-моҳиятини кенг оммага, авваламбор, жамиятимизда ижтимоий кучга айланиб бораётган тадбиркор ва ишбилармон хотин-қизларга етказиш вазифаларига эътибор қаратилди.

Давра суҳбатида «Ипотека банк» вилоят филиали мутахассислари Германия, Япония, Жанубий Корея билан амалга оширилаётган ҳамкорликдаги лойиҳалар, лизинг шартномалари тузиш, кредитлар ва уларни расмийлаштириш хусусида батафсил маълумот бериб, хотин-қизлар учун тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўз ишини янада кенгайтиришга мўлжалланган имтиёзли кредитлардан самарали фойдаланиш йўл-йўриқлари тушунтирилди.

Давра суҳбатида сўзга чиққан янгийўллик хусусий тадбиркор, партия фаоли Малоҳат Мирзаева йиғилганларга оилавий бизнес билан шуғулланиш учун яратилган имкониятлар, бу борадаги ўз тажрибаси ҳақида гапириб берди.

— Мамлакатимизда касаначилик, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди у ўз сўзида. — Шахсан мен 10 йилдан буён оилавий бизнес билан шуғулланиб келаман. Яратилган қулай шароитлар туфайли фаровон турмуш кечириб келаяпмиз. «Аёллар қаноти» оилавий бизнес имкониятларини аҳоли ўртасида янада кенг тарғиб қилса, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Давра суҳбати сўнггида аёлларнинг ижтимоий, сиёсий фаоллигини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этишда партия тузилмалари таъсирини кучайтириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилди.

«XXI ASR»
2013 йил 7 февраль,
пайшанба,
05 (481)-сон

Жараён

web sayt: www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

Фермерлик ҳаракати



АЙНИ ПАЙТДА РЕСПУБЛИКАМИЗДА ҚАРИЙБ **66 МИНГДАН** ЗИЁД ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ БЎЛИБ, УЛАР ТАСАРРУФИДАГИ ЎРТАЧА ЕР МАЙДОНИ **85 ГЕКТАРНИ** ТАШКИЛ ЭТАДИ. КЕЙИНГИ ЎН ЙИЛ МОБАЙНИДА ФЕРМЕРЛАР ТОМОНИДАН ДОН ЕТИШТИРИШ **10 БАРОБАРГА, КАРТОШКА — 13, МЕВА — 26, УЗУМ ЭСА 20 БАРОБАРДАН** ЗИЁДГА ОШДИ. ПАХТА ҲОСИЛДОРЛИГИ ЭСА **1,2-2,5 Ц/ГА,** БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИ ҲОСИЛДОРЛИГИ **2,0-2.7 Ц/ГА** ОРТДИ.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Фарҳод ТУРҒУНБОЕВ,
халқ депутатлари Фарғона шаҳар кенгаши депутати,
O`zLiDeP фаоли

Маълумки, айни пайтда республикамизда қарийб 66 мингдан зиёд фермер хўжалиги бўлиб, улар тасарруфидаги ўртача ер майдони 85 гектарни ташкил этади. Кейинги ўн йил мобайнида фермерлар томонидан дон етиштириш 10 баробарга, картошка — 13, мева — 26, узум эса 20 баробардан зиёдга ошди. Пахта ҳосилдорлиги 1,2-2,5 ц/га, бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги эса 2,0-2.7 ц/га ортди.

Бундай натижалар фермерлар тимсолида халқимиз деҳқончилигига хос бўлган тарихий менталитет қайта тикланиб, асосий ривожланиш ва тараққиёт омилига айланганини ҳам кўрсатади.

Бир сўз билан айтганда, Президент фармони асосида ташкил этилган Фермерлар кенгаши олдига фермерларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини тўлиқ рўёбга чиқариш асосида ижтимоий ҳамкорлик алоқаларини ташкил этиш ва бошқариш вазифаси қўйилди. Демак, бугунги фермер ўз фаолиятини ташкил этишда ҳуқуқ-тартибот идоралари, сиёсий партиялар ва уларнинг маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари, Савдо-саноат палатаси сингари ташкилотлар билан ижтимоий шерикчилик қилишга қодир бўлган юридик шахсга айланди.

Айни пайтда фермерда мулкка эгалик қилиш ҳисси мустаҳкамланганини қайд этиш лозим. Шунинг учун ҳам қишлоқ мулкдори ўз зиммасига юкланган бу масъулиятни тўғри англаш, унга хос янгича фикрлаш ва ҳаёт тарзига эга бўлишга ҳаракат қилаяпти. Бу масъулият кеча кўпроқ ўзини ўйлаб иш кўрган фермердан жамият ва унинг ҳаётий муаммоларига камарбаста инсон сифатида кенгроқ мулоҳаза юритишни талаб этаяпти. У айни пайтда халқ манфаатини кўзлаб иш кўриш, фойдаланиш учун шартнома асосида узоқ муддатга ижарага берилган умумхалқ мулки — ер ва сувдан самарали фойдаланишга интилаяпти. Шу маънода ҳам «Ерни боқсанг, ер сени боқади!», «Илғор агротехнология — деҳқончилик қаноти!», «Кўп тармоқли хўжалик — самарадорлик ва ривожланиш омили!», «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш — бандликни таъминлаш ва турмуш фаровонлиги омили!», «Хорижий инвестициялар — ривожланиш ва тараққиёт асоси!» каби шиорлар фермерлик фаолиятининг асосига айлангани бежиз эмас.

Бошқача айтганда, қишлоқ мулкдорлари ўз тасарруфидаги мол-мулк ва имкониятни биринчи навбатда хорижий давлатлардан янги технологиялар олиб келиш, етиштирилаётган маҳсулотларни қайта ишлаш, уларни харидоргир қилишга, ички ва ташқи бозорлар талабини олдиндан ўрганишга қаратмоқдалар. Улар фаолиятида миллий менталитетимизга хос саховатпешалик ва ҳожатбарорлик каби ноёб қадриятлар қарор топиб, эл-юрт олдида обрўси ошмоқда.

Фермерлик фаолияти серқирра ва мураккаблиги билан ҳам алоҳида ажралиб туришини унутмаслик керак. Бу фаолият тури катта тажриба ва малакага эга бўлишдан ташқари замонавий билимларни пухта эгаллашни ҳам талаб қилади. Яъни, фермер мелиораторлик, ирригаторлик, агрономлик, механизаторлик, иқтисод, бухгалтерия ва хўжалик ҳуқуқи ҳамда замонавий бошқарув усулларидан етарлича бохабар бўлиши шарт. Бундан ташқари, фермер самарали хўжалик юритиши учун маркетинг, менежмент, аудитор каби замонавий соҳалар, импорт ва экспорт ҳуқуқи, хорижий давлатлар билан ўзаро алоқа қилиш учун халқаро ҳуқуқ нормаларидан ҳам етарлича хабардор бўлиши лозим. Бундай талаблар фермернинг тафаккур тарзида туб сифат ўзгаришлар бўлиши ҳамда замонавий фикрлашга ўтаётганлигини ҳам кўрсатади. Яъни, «Куч — билим ва тафаккурда» деган шиор бугунги фермерлар фаолиятида ўз исботини топмоқда.

Фермерлар фаолиятидаги бундай ўзгаришлар қишлоқ хўжалиги соҳаларига юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, ўқитишни халқаро стандартлар асосида олиб бориш, илғор фермер хўжаликларида амалиёт дарсларини ташкил қилиш орқали уларни кадрлар тайёрлаш жараёнларида кенг иштирок этишларини таъминлаш масаласини ҳам кун тартибига қўймоқда.

Тан олиш керак: бугунги фермер ободончилик ва қурилиш ишларини жадал ривожлантиришда ҳам асосий кучга айланиб улгурди. Ҳатто энг чекка қишлоқларда барпо этилаётган замонавий ва янги типдаги бинолар, маданий-маиший марказлар, спорт стадионлари ва майдончалари, савдо-сотиқ марказлари, умумий овқатланиш ва дам олиш масканлари қурилиши, тарихий ва маданий обидаларни тиклашдаги ташаббуслари билан улар бунёдкор халқнинг муносиб ворислари эканликларини намоён этмоқдалар.

Фермерларнинг ана шундай кўп қиррали фаолияти уларда, аввало, касбига хос маданиятнинг шаклланиши, жамиятнинг етакчи кучи сифатида юксак маънавиятга интилиши, ўз турмуш тарзи билан бошқаларга ҳам намуна бўлишига яқиндан ёрдам бермоқда. Бу уларнинг таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларида олиб борилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этиши, тарихий ва миллий-маънавий меросимизни қайта тиклашда алоҳида жонбозлик кўрсатишларида яққол намоён бўлмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш зарурки, мустақиллик йиллари аграр соҳани ислоҳ қилиш мақсадида қабул қилинган қонунлар, фермерлар ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган Президент фармон ва қарорлари бир маҳаллар колхоз ёки совхозга муте бўлган деҳқоннинг тафаккур тарзи ва дунёқарашини тубдан ўзгартириб, унда янгича фикрлаш, дунёқарашга эга бўлган қишлоқ мулкдорларини шакллантирди.

Депутатлик гуруҳларида

Замон билан ҳамнафас

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Асҳор ИСТАМОВ,
«XXI ASR»

Ўтган 2012 йил давомида ана шу соҳаларда сезиларли натижаларга ҳам эришилди. Қолаверса, ҳокимлик тизими масъул ходимлари, корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаш амалиётидан кенг фойдаланилаётганлиги ечимини кутиб турган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш имконини бермоқда.

Дарҳақиқат, ўтган йили депутатлик гуруҳи томонидан иқтисодий ислоҳотлар жараёнига тўсиқ бўлаётган камчиликларни бартараф этишга қаратилган муҳим таклифлар ўртага ташланган эди. Халқ депутатлари шаҳар кенгаши ва унинг доимий комиссиялари шундан келиб чиқиб, ўз фаолиятида туб бурилиш ясашга интилмоқда. Маҳаллий хом ашё ва материаллар асосида саноат кооперацияси ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш масалалари юзасидан шаҳар ҳокимлиги, шунингдек, солиқ, молиябанк, қурилиш ва аҳолига маданий-маиший, тиббий, савдо хизмати кўрсатиш ва ахборот-коммуникация тармоқлари мутасаддиларининг ҳисоботларини эшитиш ҳам йўлга қўйилди.

Шуни таъкидлаш ўринлики, O`zLiDePдан сайланган депутатлар аҳоли билан янада яқинроқ бўлиш учун мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланишга интилишмоқда. Чунончи депутатлардан В.Ниёзов ҳамда М.Худдиев ўтган йилнинг октябрь ва ноябрь ойларида ўтказилган депутатлик гуруҳи йиғилишларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, шаҳар аҳолисининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан ҳисобот бериб, бу борада муҳим ва амалий таклифларни ўртага ташладилар.

Халқ депутатлари шаҳар кенгашининг ҳар бир сессияси ва йиғилишида O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоларининг сиёсий фаоллиги яққол сезилиб туради. Масалан, шаҳар кенгашининг ўтган йили бўлган навбатдан ташқари сессияси ҳамда фаоллар йиғилишида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, аҳолига кўрсатилаётган хизмат сифатини ошириш, коммунал тўловларни ўз вақтида ундириш билан боғлиқ таклифлар билдирилдики, улар кейинги иш жараёнида муҳим аҳамият касб этганлиги шак-шубҳасиз.

«Мустаҳкам оила йили» муносабати билан жойларда олиб борилган хайрли ишлар 2013 йил — «Обод турмуши йили»да ҳам изчил давом эттирилмоқда. Дейлик, 30-сонли А.Ғиждувоний сайлов округи ҳудудидаги Ширбуддин қишлоқ фуқаролар йиғини, шаҳардаги А.Ғиждувоний МФЙ, бир қатор умумтаълим мактабларида ўтказилган тадбирлар давомида ҳуқуқ-тартибот, халқ таълими, соғлиқни сақлаш муассасалари мутасаддилари иштирок этиб, кўпчиликни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб бердилар. Баркамол авлодни вояга етказиш, ҳаётимизда учраб турадиган турли хил иллатларнинг олдини олишда бундай учрашувлар алоҳида аҳамият касб этиши ўз-ўзидан маълум.

Бир сўз билан айтганда, замон билан ҳамнафас бўлиш, тинимсиз ўқиб-ўрганиш, халқ ишончини тўла қозониш ҳар бир депутатнинг биринчи навбатдаги вазифасидир. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Бухоро минтақавий бўлинмаси, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари, O`zLiDeP вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар томонидан ўтказилаётган давра суҳбатлари, семинар-ўқувлар мазмунан ана шундай мақсадга қаратилаётганлиги бежиз эмас. Қолаверса, Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» ҳар биримизни сиёсий жиҳатдан янада фаол бўлишга ундамоқда.

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

Расмларда улуғ шоир мероси

МИЛЛИЙ САНЪАТ МАРКАЗИДА АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 572 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН «ЭЪЗОЗ» ДЕБ НОМЛАНГАН БАДИИЙ КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ усталарининг «Ijod» уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу кўргазмада буюк шоир асарларига ишланган расмлар намойиш этилмоқда.

Навоийшунос олим, академик А.Қаюмов, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири Ш.Ризаев ва бошқалар Алишер Навоий ҳаёти, умрбоқий асарлари ёшлар маънавиятини юксалтиришда ўзига хос дарслик эканини таъкидлади.

Улуғ шоир мероси барча соҳа вакиллари қатори мусаввирлар учун ҳам битмас-туганмас илҳом манбаидир. Бу жиҳатлар рассом Темур Саъдуллаев ижодида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган. Мусаввир Алишер Навоий номидаги адабиёт давлат музейида меҳнат қилиб, даҳо шоир асарлари мазмун-моҳиятини рангин бўёқларда акс эттирмоқда.

— Навоий асарлари муҳаббат, инсонпарварлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат каби эзгу ғояларнинг ўзига хос қомусидир, — дейди Т.Саъдуллаев. — Буюк шоир асарларини ҳар гал қайта ўқисам, янги-янги маънолар кашф этаман. Буларни суратларда ифодалаш менга катта фахр ва ғурур бағишлайди.

Савол беринг, жавоб берамиз!

— Кўпинча дўконлардан озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олганимизда уларнинг яроқлилик муддати тўғрисидаги маълумотга кўзимиз тушади. Бироқ маҳсулотнинг қачон ишлаб чиқарилгани тўғрисидаги сана кўрсатилмаганлигига гувоҳ бўламиз. Шу тўғрими?

Д.Назаров (Тошкент шаҳри)

— Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонунининг 6-моддаси талабларига кўра, маҳсулотларни норматив ҳужжатсиз ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ман этилади. Ҳар бир маҳсулот турига доир норматив ҳужжатда маҳсулот сифати, тамғаланиши, сақланиши ва транспортда ташилишига оид талаблар ҳам белгиланади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари мисолида оладиган бўлсак, унинг ёрлиғида маҳсулотнинг ишлаб чиқарилган санаси, яроқлилик муддати, тез бузиладиган маҳсулотлар ёрлиғида эса ишлаб чиқарилган соати ҳам кўрсатилиши шарт.

Ушбу саволга «Ўзстандарт» агентлигининг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Нажмиддин Мўминов жавоб берди.

ХАБАРЛАР

ПАЛАТАДА «ЎЗБЕКИСТОН-КАНАДА» УЧРАШУВИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасида юртимизга ташриф буюрган Канада ишбилармон доиралари делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди.

ССП матбуот хизматидан хабар қилинишича, Канаданинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жон Слоан, элчихонанинг иқтисодий ва тижорат масалалари бўйича маслаҳатчилари, шунингдек, мазкур мамлакатнинг «SNC Lavalin Eurasia», «Bombardier», «Phoenix», «Foster Wheeler», «Sitara International» каби етакчи компанияларининг вакиллари иштирок этган тадбирда «Канада ва Ўзбекистон ўртасидаги инвестициион, савдо-иқтисодий, шу жумладан, CERBA (Canada Eurasia Russia Business Association) уюшмаси доирасидаги ҳамкорликлар истиқболлари» сингари бир қатор масалалар муҳокама қилинди. Бундан ташқари, тадбирда «Ўзбекистон Республикасида инвестициион муҳит ва «Навоий» ЭИИЗ ва «Ангрен» СИЗда юқори технологик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳамкорлик имкониятлари», «Ўзбекистон Республикаси нефть-газ саноатида инвестициион лойиҳаларни амалга оширишда Канада компаниялари иштирокининг истиқболлари», «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатида инвестициион лойиҳаларни амалга оширишда Канада компаниялари иштирокининг истиқболлари» каби мавзуларда тақдимотлар ҳам бўлиб ўтди.

Музокаралар якунида томонлар ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича келишувлар имзоланди.

ҚУЁШ БАТАРЕЯЛАРИ УЧУН «НАВОИЙ» ТАНЛАНДИ

«Ўзбекэнерго» акциядорлик компанияси Хитойнинг «Suntech Power Holdings» компанияси билан ҳамкорликда «Навоий» индустриал-иқтисодий зонасида қуёш батареяларини ишлаб чиқарадиган бўлди.

10 млн. доллар миқдорида маблағ сарфланиши кўзда тутилган лойиҳа 2015 йилга мўлжалланган.

Шу ўринда ўтган йилнинг февраль ойида пойтахтимизда Осиё тараққиёт банкининг 2,25 млрд. долларлик лойиҳаси асосида Қуёш энергияси халқаро институти очилганини ҳам таъкидлаш жоиз. Ана шу лойиҳанинг давоми сифатида компания банк кўмагида мамлакатимизда илк қуёш электр станцияси қуришни режалаштирмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, станция йилига 110 миллион кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

4 ТА КОЛЛЕЖ ВА 1 ИНСТИТУТНИ «БОЕЛАГАН» АВТОБУС

2013 йилга қадар жами 92 та автобус билан 4 та йўналиш орқали аҳолига хизмат қилган «Shahrixon yo'lovchi trans» масъулияти чекланган жамиятига Завроқ ГЭСни Қишлоқ хўжалик институти билан боғлайдиган яна битта йўналиш бириктирилди.

Мазкур йўналишнинг йўлга қўйилиши, энг аввало, андижонлик ёшларни хушнуд этди. Зеро, янги автобуслар Андижон тумани иқтисодиёт коллежи, Андижон шаҳар ахборот технологиялари коллежи, Андижон банк коллежи, Андижон Олимпия захиралари коллежи ҳамда Қишлоқ хўжалиги институти каби таълим муассасалари ёнидан ўтиб, ана шу илм даргоҳларида таҳсил олаётган ўқувчи ва талабалар узоғини яқин қилди.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ахборот хизматидан хабар қилинишича, 27 км. узунликдаги «Завроқ ГЭС — Қишлоқ хўжалик институти» йўналиши шаҳарда фаолият кўрсатаётган тўққизинчи йўналиш бўлиб, айни пайтда ҳудудда жамоат транспортлари сонини янада кўпайтириш борасида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шуҳрат ХЎЖАЕВ тайёрлади.

ҚАШҚАДАРЁ:
Қарши шаҳрида жойлашган «Самарқанд» МЧЖ қошидаги БПТда Президентимизнинг «Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» мавзуидаги маърузасини ўрганишга бағишланган тадбир ўтказилди.

НАМАНГАН:
O`zLiDeP Наманган шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилган «Обод турмуш — фаровонлик кафолати» мавзуидаги давра суҳбатида қуйи бўғинларнинг галдаги муҳим вазифалари муҳокама қилинди. Тадбир якунида БПТ мутасаддиларига янги шаклдаги гувоҳномалар топширилди.

ЖИЗЗАХ:
Пахтакор тумани молия бўлими қошидаги БПТда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган очиқ мулоқот ўтказилди. Унда соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

2013 йил 7 февраль, пайшанба, 05 (481)-сон
web sayt: www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

Сафлар кенгаймоқда

БУГУНГИ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИ ҲАР БИРИМИЗДАН АЛОҲИДА МАСЪУЛИЯТ ВА ФАОЛЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Мансур АСАОНОВ,
«XXI ASR»

Партиямизнинг дастурий режалари дунёқараши кенг, ғоявий етук, ўз фуқаролик позициясига эга бўлган баркамол инсонларни шакллантиришга йўналтирилгани ҳам бежиз эмас, — дейди Навоий шаҳар, «Нуртранс» МЧЖ қошидаги БПТ раиси Нигора Аҳмедова. — Чунки келажак тақдири кўп жиҳатдан бугунги саъй-ҳаракатимиз ва интилишларимизга боғлиқдир. Шу боисдан тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини ошириб, давр билан ҳамнафас ва ҳамқадам бўлишга интилаяпмиз.

Дарҳақиқат, жамоада қуйи ташкилот атрофига жипслашган 7 нафар маслакдошнинг алоҳида ўрни бор. Уларнинг ҳар бири зиммасига тегишли партиявий топшириқ юклатилган. Жумладан, Авазбек Ҳафизов, Шаҳноза Алиева, Гулмира Холмуродова, Раҳим Жумаев ғоявий-сиёсий ишларни йўлга қўйиш, O`zLiDePнинг дастурий мақсадларини кенг тарғиб қилишда алоҳида ўрнак кўрсатишмоқда. Уларнинг ташаббуси билан жамоада кўплаб учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асари ҳамда «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси», Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чоралари тўғрисида»ги қарорини ўрганиш, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан ишлаб чиқилган қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланган тадбирлар ана шулар жумласидандир. Энг муҳими, партия фаолларининг ўз хизмат бурчларига масъулият билан ёндашуви ютуқлар салмоғини кўпайтириш, шаҳар йўловчиларига кўрсатилаётган автотранспорт хизмати маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

O`ZLIDEP ДАСТУРИДАН

«ПАРТИЯ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ ЎРНИНИ ОШИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРАДИ. БУ СОҲА ФАҚАТ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИБГИНА ҚОЛМАЙ, АЙНИҚСА, ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ ЎСИШИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИНГ ЯХШИЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҒИ ЛОЗИМ».

— Кун сайин чирой очиб, гўзаллашиб бораётган навқирон шаҳримизни саҳро бағридаги марваридга қиёсласа арзийди. У ҳам энига ва бўйига кенгайиб, тобора замонавий қиёфа касб этаётганлиги янада қувончлидир, — дейди БПТ фаоли, «Нуртранс» МЧЖ раиси Ибод Ғаффоров. — Бу бизга алоҳида куч-ғайрат бағишлайди, албатта. Ўтган йили жамоамиздаги 70 га яқин автотранспорт ходимлари учун алоҳида қулайлик яратилди. Яъни маънавият, техника хавфсизлиги, тиббиёт, нозимхона ва дам олиш хоналарини ўз ичига олган янги бино барпо этилди. Яқин орада автомобилларга барча турдаги техник хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда. Ана шунда 10 га яқин қўшимча иш ўрни яратиш имкони туғилади.

Таъкидлаш жоизки, корхонада эрта тонгдан йўлга отланган ҳар бир автотранспорт эгаларини тиббий, транспорт воситаларини эса техник кўрикдан ўтказиш қатъий одат тусига кирган. Натижада йўл-транспорт ҳодисалари содир этилишига барҳам берилиб, йўловчиларнинг манзилларига талафотсиз етказилиши таъминланмоқда. Жамоанинг куч-ғайрати билан ўтган йили 1 миллион 120 мингдан зиёд йўловчи «Нуртранс» хизматидан баҳраманд бўлишди.

O`zLiDeP Навоий шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари — аппарат раҳбари Ирода Пардаеванинг таъкидлашича, эришилаётган ютуқларда БПТ фаоллари томонидан олиб борилаётган тарғибот-тушунтириш ишлари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Зеро, омма ичига чуқурроқ кириб бориш, O`zLiDePнинг ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб қилиш уларнинг эзгу шиорига айланган. Жамоа аъзоларидан яна 3 нафари партияга аъзо бўлиш истагини билдириб, ариза билан мурожаат қилишгани ҳам ғоявий-сиёсий ишларнинг самарасидан яққол далолат бериб турибди.

Масъулият палласи

БУХОРО ШАҲРИДА ИШ ОЛИБ БОРАЁТГАН БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР АЪЗОЛАРИ ЭЛЕКТОРАТ ВА САЙЛОВЧИЛАР ОРАСИГА ЧУҚУРРОҚ КИРИБ БОРИШ, ПАРТИЯ ҒОЯ ВА МАҚСАДЛАРИНИ КЕНГ ТАРҒИБ ЭТИШНИ 2013 ЙИЛДАГИ ЭНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРДАН, ДЕБ БИЛМОҚДАЛАР

Асхор ИСТАМОВ,
«XXI ASR»

«Ёдгора — зар» хусусий корхонасидаги БПТ раиси Бибиражаб Эловонинг айтишича, бунинг учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Фаоллар жойларда бўлиб, амалдаги қонунлар ижросини таъминлаш, партия Дастури, унинг Сайловолди платформасини кенг тарғиб этиш билан бирга, маҳаллаларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Қолаверса, «Ёдгора — зар» хусусий корхонасининг ўзида ҳам 12 киши доимий иш билан таъминланган. Корхона таъсисчиси — халқ депутатлари Бухоро шаҳар кенгаши депутати, O`zLiDeP фаоли Нишон Аитов сайловчиларнинг тўла ишончини қозонган, десак хато бўлмайди. У ўз бурчига ҳамиша масъулият билан ёндашади. Ана шундай фидойи, тиниб-тинчимас инсонлар туфайли БПТ фаолияти ҳам таъсирчанлик касб этмоқда. Жумладан, Ситора Ваҳобова, Муҳайё Элова, Ситора ва Ўткир Аитов каби фаоллар маҳалла-кўй ва хонадонларда бўлиб, касаначилик ва тадбиркорликни ривожлантириш, бу борада «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунда белгиланган имтиёз ва кафолатлардан кенг фойдаланиш давр талаби эканлигини уқтирмоқдалар. O`zLiDePнинг дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, электорат вакиллари ўртасида сиёсий фаолликни ошириш, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини ҳам кенг тарғиб этишаяпти.

Таъкидлаш ўринлики, БПТ фаоллари зиммасига юклатилган партиявий топшириқларнинг ижроси мунтазам назорат қилиб борилади. Партия хонаси тегишли адабиёт ва қўлланмалар, ижтимоий-сиёсий нашрлар билан таъминланган.

«Ёдгора — зар» собиқ «Раҳмат бобо» хусусий корхонаси негизида ташкил этилган бўлиб асосан тикувчиликка ихтисослашган. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмоли моллари — эркаклар, аёллар ва болалар кийим-кечакларига нафақат вилоят, балки республикамизнинг барча ҳудудлари, пойтахт Тошкентда ҳам талаб катта. Шу боис чеварларнинг қўлиқўлига тегмайди. Япония, Германия ва Венгриядан келтирилган замонавий ускуналар улар ихтиёрида. Унумли меҳнат ва маданий дам олиш учун барча шарт-шароит муҳайё. Ўтган 2012 йилда истеъмолчиларга 225 миллион сўмлик тайёр маҳсулот етказиб берилди. Ҳадсмай, корхонада қўшимча 5 та янги иш ўрни яратиш, аҳолига озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари етказиб берадиган савдо шохобчасини очиш ҳам режалаштирилмоқда.

Ана шу каби меҳнат ютуқларига эришишда БПТ фаолиятининг жонкуярлиги ва ташаббускорлиги жуда қўл келаяпти. Зеро, улар партиявий бурчга масъулият билан ёндашиб, жамоага ҳар жиҳатдан ўрнак бўлишмоқда. Шундай экан, жорий йилда кўзланган эзгу мақсадлар ҳам албатта ижобат бўлишига ишонамиз.

Урганчда партия аъзолари сони кўпаймоқда

O`ZLIDEP УРГАНЧ ШАҲАР КЕНГАШИ ТИЗИМИДА ЯНА БИР БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ИШ БОШЛАДИ

Ўз мухбиримиз

«Урганч Экскаватор» очиқ акциядорлик жамияти қошида ташкил этилган мазкур БПТ ҳозир ўз атрофига 40 нафар партия аъзосини бирлаштириб турибди. Шу муносабат билан партия аъзолари сафини, электорати кўламини янада кенгайтириш мақсадида ОАЖ ишчи-ходимларининг бошланғич ташкилот тузиш ҳақидаги ташаббуси туман кенгаши томонидан қўллаб-қувватланди.

— Бошланғич ташкилот тузиш масаласи муҳокама қилинган тадбирда партия ғояларини кенг аҳоли қатламларига етказиш масаласи устуворлигига асосий эътибор қаратилди, — дейди партия вилоят кенгашининг ташкилий-партиявий ишлар бўлими етакчи консультанти — бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш гуруҳи раҳбари Муҳиддин Маткаримов. — Айни пайтда электоратимиз сафларида нафақат тадбиркор ва фермерлар, балки зиёлилар ва бошқа турли соҳада фаолият юритаётган, онгли фуқаролик позициясига эга юртдошларимизнинг ҳам бўлиши фаолиятимиз самарадорлигини оширишга хизмат қилади, албатта. «Урганч Экскаватор» ОАЖ ишчи-ходимларининг O`zLiDeP ғоя ва мақсадларига қизиқиш билдиргани, ўз манфаатларини эл-юрт манфаатлари билан уйғун ҳолда кўришга интилаётгани ҳам шу фаолият самараси бўлди, назаримда.

Йиғилишда ОАЖ муҳандиси Қаҳрамон Отажонов бир овоздан БПТ раислигига сайланди. Қизғин мунозаралар давомида 2013 йил учун БПТ иш режаси ишлаб чиқилиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

— Партия дастури билан танишиб, тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилаётганлар сафига киришга қарор қилдим, — дейди Қаҳрамон Отажонов. — Айни даврда мамлакат индустрияси ривожини янги босқичга кўтариш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва улар фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган қонунлар қабул қилинмоқдаки, бу борада O`zLiDeP фракцияси аъзоларининг ташаббуси ҳал қилувчи аҳамият касб этаётгани айнан шу партияни танлаб хато қилмаганимизни тасдиқлаб турибди.

Тадбирда халқ депутатлари Урганч шаҳар кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Азод Абдуллаев ва бошқа партия фаоллари Хоразм вилояти ва Урганч шаҳрида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритдилар. Сўзга чиққанлар 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги Президент маърузасининг моҳиятига тўхталиб, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш каби масалаларнинг аҳамиятига урғу беришди.

Банк тизими

Хусусий секторга — бирламчи эътибор

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ НАТИЖАСИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ИЧКИ БОЗОРНИ РАҚОБАТБАРДОШ ВА СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИШ, ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ, ШУ АСОСДА АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Бу, шубҳасиз, банк-молия тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар билан чамбарчас боғлиқдир. «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки Андижон вилоят филиали ҳам мижозлар манфаатидан келиб чиқиб, хизмат сифати ва маданиятини оширишга, пул-кредит муносабатларини замонавий талаблар асосида ташкил этишга интилмоқда.

Банк филиалининг кредит қўйилмалари ҳажми 2013 йил 1 январь ҳолатига 68,1 млрд. сўмни ташкил қилди ва 2012 йилнинг айни даврига нисбатан 76,9 фоизга ўсди. Ушбу маблағнинг 93,7 фоизи узоқ муддатли кредитлардан иборатдир. Эътиборлиси, иқтисодиётнинг устувор тармоқларига йўналтирилаётган сармояларнинг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Ўтган йили мазкур соҳага йўналтирилган кредитларнинг умумий миқдори 1,9 млрд. сўмни ташкил этди.

Фақат шугина эмас. Кичик корхоналар, микрофирмалар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларга ажратилган микрокредитлар ҳажми 40 фоизга ошди. Жумладан, банк филиали томонидан 2012 йил давомида кичик бизнес субъектларига жами 1,4 млрд. сўм миқдорида микрокредит маблағлари йўналтирилганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори жойларда замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналар барпо этиш, шунингдек, ички истеъмол бозорини барқарорлаштиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш юзасидан банк филиали томонидан 2,5 млрд. сўм кредит ажратилган эди. Натижада кўплаб янги иш ўринлари ташкил этилиб, асосан чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳолининг бандлиги таъминланди. Шунингдек, маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича ҳам изчил молиявий фаолият олиб борилмоқда. Ўтган йили ушбу мақсадлар учун 6 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган эди. Улар асосан импорт ўрнини босадиган сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш билан боғлиқ истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш учун йўналтирилганлиги эътиборга моликдир.

Маълумки, қишлоқ аҳолисининг бандлигини таъминлаш, оилавий даромадини кўпайтиришда чорвачилик муҳим ўрин тутади. Шунинг учун юртимизда фермерлик ҳаракатига тобора катта аҳамият берилиб, уни молиявий қўллаб-қувватлаш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Дейлик, биргина 2012 йилда банк филиали томонидан ана шу мақсадлар учун 217,1 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилди.

Иқтисодиётимизда тобора мустаҳкам ўрин эгаллаётган касаначилик, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Ушбу соҳадаги режаларни рўёбга чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 1,8 млрд. сўмдан ортиқ, тадбиркор аёлларнинг лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида 887,6 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шунингдек, банкнинг имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси ҳисобидан кичик бизнес субъектларига ўтган йил давомида 352,0 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит сармоялари йўналтирилди.

— Турмуш маданияти ва фаровонлигини яхшилаш учун бугун мамлакатимизда барча шарт-шароит муҳайё. Фақат хоҳиш бўлса бас, — дейди «Қўрғонтепа нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Хайрулло Абдужалилов. — Ички истеъмол бозоридан ўз ўрнимизни топишимизда «Асака» банк Андижон вилоят филиалининг молиявий кўмаги қўл келаётир. Банкнинг кредит маблағлари эвазига хорижда ишлаб чиқарилган замонавий технологик ускуна ва жиҳозлар сотиб олинди. Мавжуд ускуналар модернизация қилиниб, қўшимча янги иш ўринлари ҳам яратилди.

Умуман, «Асака» банкнинг вилоят филиали томонидан 2012 йил мобайнида барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар эвазига ҳудудларда 350 га яқин янги иш ўринлари яратилдики, бу ҳозирги иқтисодий ислоҳотлар шароитида алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки юксак турмуш маданиятига эришиш учун, энг аввало, аҳоли ўртасида бандлик даражасини ошириш талаб этилади.

Банк матбуот хизмати.

Реклама ўрнида

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ УЮШМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИҲА ҒОЯЛАРИ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 ва «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474 сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларидаги иштирокини рағбатлантириш орқали улар учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон банклари уюшмаси ҳузурида инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш Фонди ташкил этилди.

Фонд томонидан лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади ҳамда республика тижорат банклари томонидан молиялаштирилишига кўмаклашилади.

Танлов қуйидаги йўналишларда ўтказилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестицион жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хомашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ғоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:
Ариза (намуна бўйича);
Инвестиция таклифи (намуна бўйича);
Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).
Батафсил маълумот учун:
Тел: +(998 71) 238-69-07, +(998 71) 238-69-08;
Web-site: www.ffpd.uz;
E-mail: pdf.fund@gmail.com.

Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Асадулла Хўжаев кўчаси, 1-уй.
Ўзбекистон банклари уюшмаси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

1-илова

Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш
юзасидан танловда қатнашиш учун
БУЮРТМАНОМА

1._____
(ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)

2._____
(тақдим этилаётган ғоявий лойиҳанинг тўлиқ номи)

3._____
(Ф.И.О., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

4. Буюртманомага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:
— Инвестиция таклифи;
— Инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигига кафолат бераман.

Ташкилот раҳбари

_____
(имзо, муҳр) (Ф.И.О.)

2-илова

Инвестиция таклифининг
НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

1. Лойиҳанинг номи;
2. Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар:
номи ва реквизитлари;
асосий фаолият тури;
асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулот (кўрсатилган хизмат)ларнинг, экспорт ва бошқаларнинг қиймати ва ҳажми) ҳамда молиявий кўрсаткичлари.
3. Негизида лойиҳани амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона (мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар:
корхонанинг номи ва реквизитлари;
асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари;
охирги 3 йиллаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар);
умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари;
мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар;
кадрлар салоҳияти.
4. Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
4.1. Маркетинг:
ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми;
дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси;
мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда);
маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлилигининг баҳоси.
4.2. Ишлаб чиқариш:
лойиҳанинг хом ашё ва бошқа материал ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси;
зарур бўладиган ходимлар сони.
4.3. Қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш:
инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
4.4. Молиялаштириш:
лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати;
объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати;
лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
5. Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар:
кутилаётган йиллик тушум ва соф фойда;
экспорт ҳажми.

3-илова

Инвестиция таклифининг
ПАСПОРТИ

_____
(лойиҳанинг номи ва жойлашган жойи)

№ п/п	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа параметрлари	Изоҳ
1.	Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан:	минг долл.		
1.1.	миллий валютада	млн. сўм		
1.2.	хорижий валютада	минг долл.		
2.	Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси:	минг. долл.		
2.1.	шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун	минг долл.		
2.2.	Қурилиш-монтаж ишлари учун	минг долл.		
3.	Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси	млн. сўм		
3.1.	шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун	млн. сўм		
3.2.	қурилиш-монтаж ишларига	млн. сўм		
4.	Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони	киши		
4.1.	шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринларида	киши		
5.	Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси	йил		
6.	Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида	ўлчов бирлигига мувофиқ		
6.1.	шу жумладан, экспорт учун ўлчов бирлигига мувофиқ			

Долзарб мавзу

Одам савдоси — аср муаммоси

БУГУН МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ИСЛОҲОТЛАР ТОМ МАЪНОДА ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН

Амир НОРОВ,
Самарқанд вилоят аллия бошқармаси етакчи маслаҳатчиси

Амалдаги қонунларимиз бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Таъкидлаш жоизки, инсон шаъни, қадр-қиммати ва эркинлигига тажовуз қилувчи трансмиллий жиноятлардан бири одам савдоси билан узвий боғлиқдир. 2008 йилда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ушбу жиноятнинг олдини олиш, ундан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва ёрдам кўрсатишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Қонунда ихтисослаштирилган муассасалар орқали одам савдосидан азият чекканларни ижтимоий реабилитация қилиш, жабрланган болаларга ёрдам кўрсатиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ана шу мақсадлар учун сарфланган харажатларнинг ўрнини қоплаш ва бошқа масалалар ўз аксини топган.

Қонун асосида миллий тадбирлар режаси тасдиқланиб, бу иллатга қарши курашиш бўйича республика Идороларо комиссияси тузилган эди. Айни кунда комиссия томонидан белгиланган режага мувофиқ бир қатор ишлар амалга оширилаётир. Самарқанд вилоят адлия бошқармаси ҳам одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят идороларо комиссияси аъзоси сифатида бу борадаги ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишга жиддий эътибор қаратмоқда. Жумладан, Оқдарё, Ургут, Қўшработ туманлари ҳамда Самарқанд шаҳрида одам савдосига қарши курашиш чора-тадбирлари хусусида учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилди. Пахтачи туманидаги Мирзо Улуғбек маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган тадбирда хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазаси, аёллар бандлигини таъминлаш, касаначиликни ривожлантириш масалалари хусусида сўз юритилиб, ёшларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик ва бошқа зарарли иллатлардан ҳимоя қилиш юзасидан муҳим фикр-мулоҳазалар билдирилди. Самарқанд шаҳридаги «Ҳаётобод» маҳалласида бўлиб ўтган давра суҳбати эса одам савдосидан жабрланган хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазаси, шунингдек, «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳиятига бағишланди.

Одам савдоси — аср муаммосидир. Ўз ҳақ-ҳуқуқини билган қулликка асло рози бўлмайди. Шундай экан, иродамизни қўлга олиб, ақл билан иш тутайлик. Ўз юртини, ўз миллатини севган киши ҳеч қачон пуч ва ёлғон ваъдаларга учмайди. Зеро, Ўзбекистон барчамиз учун ягона Ватандир. Биз ўсиб келаётган ёшлар онгига ана шу муқаддас туйғуни тўла сингдира олсак, кўзланган эзгу мақсадлар йўлида яна бир ишончли ва дадил қадам ташлаган бўламиз.

Тадбиркорлик

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Фарғона вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Риштон туманида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ҳунарманд аёлларни қўллаб-қувватлаш, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўяётган аёллар, битирувчилар, ҳунарманд оилалар вакиллари иштирок этган тадбирда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича керакли тавсия ва маслаҳатлар берилди. Эътиборлиси, шу куни вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси М.Хўжаева ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси А.Йўлбарсов 80 дан зиёд эҳтиёжманд оилалар вакилларига бепул тикув машиналарини топшириши. Кўрсатилган бундай эътибордан руҳланган қизлар келажакда ўзларининг оилавий бизнесини йўлга қўйиб, юртимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшишларини таъкидлашди.

А.СИДДИҚОВ,
«Туркистон-пресс»

Ким кимдан ўч олаяпти?

БМТ МАЪЛУМОТЛАРИДА ҲАР ЙИЛИ 13 МИЛЛИОН ГЕКТАРГА ЯҚИН ЎРМОНЛАР АЁВСИЗЛАРЧА ЙЎҚ ҚИЛИНАЁТГАНИ, ЯЪНИ БИР ДАҚИҚАДА 15-20 ГЕКТАР ЎРМОН КЕСИЛАЁТГАНИ ҚАЙД ЭТИЛАЯПТИ. ҲАҚИҚАТАН ҲАМ, ОНА ТАБИАТ НЕЪМАТЛАРИДАН ШАФҚАТСИЗЛАРЧА ФОЙДАЛАНИШ ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТНИНГ ИЗДАН ЧИҚИШИГА ОЛИБ КЕЛАЁТГАН АСОСИЙ ОМИЛЛАРДАН БИРИГА АЙЛАНМОҚДА

Акбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

Мутахассисларнинг фикрича, айни пайтда табиий ўрмонлар бутун ер юзининг 31 фоизига яқин қисмини эгалламоқда. Зеро, заҳарли газларни ютиб, атмосферага чиқарилаётган кислороднинг асосий қисми айнан ўрмонлар ҳиссасига тўғри келади. Ҳисоб-китобларга кўра, бир йилда 1 гектар ўрмондаги ўсимликлар ҳаводаги 20-25 тонна турли хил заҳарли газларни ўзига ютиб, 15-18 тонна кислород ишлаб чиқаради. Бундан ташқари, ўрмонлар инсон саломатлиги учун зарур бўлган фитонцидлар (ўсимликдан чиқадиган бактерияларни йўқотадиган модда) манбаи ҳисобланиб, 1 гектар япроқли ўрмон бир кунда 2 килограмм, нина баргли ўрмонлар эса 30 килограммгача фитонцид ишлаб чиқара олади. Ана шундай фойдали хусусиятларига қарамай, инсоният ўрмонлардан шафқатсизларча фойдаланишда давом этмоқда.

Бугунги кунда ўрмонларнинг 70 фоизига яқини Россия, Канада ва Бразилияда жойлашган бўлиб, улар ҳам йиллар ўтгани сайин қисқариб бораяпти. Дунёнинг 11 мамлакатида, шу жумладан, Финляндия, Швеция, Таиланд ва Вьетнамда сақланиб қолган ўрмонлар ҳам хавф остида қолаётгани мутахассислар томонидан алоҳида тилга олинмоқда. Таҳлилчиларнинг фикрича, айни пайтда ана шу мамлакатлар ҳудудида ўзлаштирилмаган 5 фоиз ўрмонлар қолган, холос. Кўриниб турганидек, мазкур муаммо иқтисодий, ижтимоий-сиёсий масалалар қатори дунё ҳамжамияти олдига ўта долзарб муаммоларни қўймоқда. Маълумот ўрнида шуни қайд этиш жоизки, БМТ Бош Ассамблеяси ўзининг сўнгги мажлисида 2013 йилнинг 21 мартини Халқаро ўрмонлар куни, деб эълон қилди.

Маълумки, ўрмонлардаги хилма-хил дарахтларнинг кесилиши биосферадаги барқарор мувозанат ҳолатини издан чиқариб, экологик ҳалокат хавфини кучайтириши мумкин. Янги ерларни ўзлаштириш, атроф-муҳит ифлосланиши оқибатида ўнлаб турдаги ўсимликлар номнишонсиз йўқолиб кетаётгани ҳам бу хавфнинг нақадар жиддий эканини кўрсатаяпти. Теранроқ фикр юритсак, ҳар бир жонзот, ўсимлик ва дарахтларнинг табиатда ўз вазифаси борлигига яна бир карра амин бўламиз.

Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқи маълумотларига қараганда, охирги икки юз йилда 300 дан ортиқ сут эмизувчи ва қушлар тури йўқ қилинган. Айниқса, ҳавода заҳарли газлар миқдори кўпайиши натижасида қушларга кўпроқ қирон келтирилмоқда. Кейинги 30 йилда Европада қушларнинг юздан зиёд тури, Шимолий Америкада эса икки бараварга яқин қушлар камайиб кетган. Ўрмонларнинг кесилиши, ерларнинг ўзбошимчалик билан ўзлаштирилиши орқали инсон ҳайвонот дунёсига ҳам билвосита таъсир кўрсатаётир. Аммо ер юзидаги барча биологик турлар ўзига хос экологик маконни ҳосил қилиши ҳеч кимни қизиқтирмай қўйгани мавжуд вазиятни янада мураккаблаштирмоқда.

Агар вазият шу зайлда давом этса, 90 йилдан сўнг бутун Марказий ва Жанубий Америка тропик ўрмонларининг учдан икки қисми, Африка ўрмон экотизимининг 70 фоизи тубдан ўзгариши мумкин. Амазонка пасттекисликларидаги 80 фоиз ўрмонлардаги ўсимлик ва ҳайвонот оламининг ярми қирилиб кетиши эҳтимолдан ҳоли эмас. 1980 йилдан то 2000 йилгача 80 фоиз қишлоқ хўжалиги ерлари кесилган тропик ўрмонлар ўрнида барпо этилгани ҳам инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Ана шу вақт оралиғида 1,3 млн. кв. км. ўрмонлар йўқ қилинган. Бу ҳозирги Аляска ҳудудига тенг бўлган майдонни эгаллайди.

Дунёдаги ўрмонлар ёниб кул бўлаётган бир пайтда инсон ўз манфаатлари йўлида яшил оламдан меъёридан ортиқ фойдаланаётгани башариятни экологик муаммолар гирдобига етакламаётганига ҳеч ким кафолат бера олмаяпти. Ўрмон ёнғинлари аслида табиий ҳодиса ҳисобланса-да, унинг оқибатлари экология, иқтисодиёт ва инсон саломатлигига катта зиён етказмоқда. Зеро, урбанизация натижасида тураржой бинолари қурилишининг ўрмон ҳудудларигача етиб келиши ёнғинлар оқибатида иқтисодий зарарнинг янада каттароқ бўлишига олиб келмоқда. Шу ўринда 2010 йилнинг ёзида Россия ўрмонларида содир бўлган ёнғинлар сўнгги юз йилдаги энг аянчли табиий офатлар сифатида баҳоланганини ёлга олиш мумкин. Ўшанда тилсиз ёв туфайли марказий ва Волгабўйи ҳудудларида 1170 та турар-жой биноси ёниб кетгани натижасида 2178 нафар аҳоли бошпанасиз қолгани ва 150 дан ортиқ аҳоли пунктларининг кули кўкка совурилгани тўғрисида маълумотлар тарқатилган эди. Бундан ташқари, 1997-98 йилларда Индонезия, 2001-2002 йилларда Австралия ўрмонларида содир бўлган ёнғинлар келтирган зарар ҳам қамрови жиҳатидан ўрмон ёнғинлари тарихида ўзига хос из қолдирган. Ушбу офат индонезиялик 75 миллион фуқаро ҳаётини буткул издан чиқарган эди. Энг ачинарлиси, ўшанда жабрланганларнинг 40 мингги астма, бронхит, пневмония, кўз ва тери касалликларини орттириб олдилар. Етказилган зарарнинг умумий қиймати эса 9,3 миллиард АҚШ долларига тенг, дея баҳоланди.

Кейинги пайтларда иқлимнинг кескин исиб кетиши қурғоқчиликни кучайтириб, ҳатто тропик ўрмонларда ҳам олов чиқиш хавфини янада ошира бошлади. Маълумки, бундай ҳолатлар оловни тез атрофга ёяди. Қолаверса, ўрмондаги аксар дарахтлар барги, танаси ёғли бўлиб, бу уларнинг ҳўл бўлишига қарамай, тилсиз ёв ўлжасига айланишига сабаб бўлмоқда. Яқинда Австралиянинг Тасмания штатида рўй берган кучли ўрмон ёнғини туфайли қарийб юз киши бедарак йўқолди. Бундан ташқари, 3 минг аҳоли ёнғин туфайли уй-жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлди.

Шу ўринда сайёрамизда ичимлик сувга бўлган эҳтиёж ҳар доимгиданда кучайиб бораётганини таъкидлаш лозим. Олимларнинг аниқлашича, сийрак ўрмонлар туман заррачаларини ушлаб қолиб, 5-12 фоизгача қўшимча намлик тўплаши мумкин экан. Шунингдек, ўрмонзорларда қор тўпланиш даражаси ҳам оддий тоғли ҳудудларга қараганда 1,5 баробарга юқори эканини «яшил фабрика», дея таърифланаётган ўрмонлардан фойдаланишда меъёрга амал қилиш кераклигини кўрсатмоқда. АҚШ олимларининг фикрича, дунё океанининг атиги 4 фоизигина ўзининг табиий муҳитини асл ҳолича сақлаб қолганлигини ҳам изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Шимолий Атлантика, Тинч океанининг ғарбий қисми, Кариб, Ўртаер, Жанубий ва Шарқий Хитой денгизлари ҳамда Форс кўрфазига катта зиён етган. Табиатни ҳимоя қилиш халқаро уюшмасининг маълумотларига қараганда, 2050 йилдан кейин дунёда балиқчилик соҳаси ҳам ўз фаолиятини тўхтатиши мумкин. Негаки, дунё океани ва денгизлардаги балиқ ресурсларининг тугаши хавф остида турибди.

Инсоният ҳали ҳам ўрмонларга, умуман, табиатга бундай зуғум ўтказиш яхшиликка олиб келмаслигини англаб етмаяпти. Яшил оламга қилинаётган шафқатсизларча муносабат эса жавобсиз қолмаяпти. У ўз изидан кўплаб офатларни етаклаб келиб, инсониятни жазоламоқда. Таҳлилчилар 2016 йилга бориб ҳатто улкан музликларнинг эриши ҳамда катта ҳудудларни сув босиши мумкинлигини таъкидлашмоқда. Гарчи табиий офатлар ҳақида олдидан маълумот бериш қийин бўлсада, мутахассислар дунё ҳамжамиятини табиатга муносабатни ижобий томонга ўзгартириш учун барча имкониятдан фойдаланишга чақирмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, XXI асрда юз бераётган турли офатлар, сув тошқинлари инсониятга катта зарар келтирганини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Мутахассислар 2010 йили Покистонда рўй берган сув тошқинини энг даҳшатли табиий офат, дея баҳоламоқдалар. Шунингдек, Австралиянинг Квинсленд штатидаги сув тошқини 9 млрд. АҚШ доллари миқдорида зарар келтирган. Бунинг оқибатида мамлакатда асосан экспорт қилинувчи кўмир ва темир рудаси ишлаб чиқарилиши тўхтаб қолган. Натижада дунёда коксланадиган кўмирнинг 50 фоизини етказиб берадиган мамлакатнинг 75 фоиз конлари фаолияти батамом тўхтаган. Хусусан, дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидан бири АҚШда ҳам сўнгги 5 йилда сув тошқинларидан кўрилган молиявий зарар ундан аввалги 20 йилликка тенг бўлгани ҳам инсониятни жиддий ташвишга солмоқда. Кейинги ўн йилда эса цунамидан аввалги юз йилликка нисбатан 10 баробар кўп киши ҳалок бўлгани ҳам юқоридагидек башоратлар бежиз эмаслигини кўрсатаяпти. Катта ҳудудлардаги буғдой майдонларининг сув остида қолгани эса дон ва дон маҳсулотлари нархининг кескин ўсишига олиб келмоқда. Соҳа мутахассислари ва экологлар томонидан бундай офатларга она табиатга шафқатсизларча муносабат бош сабаб сифатида кўрсатилмоқда. Швецариядаги «Swiss Re» суғурта компаниясининг маълумотларига қараганда, дунё биргина 2010 йилда табиий офатлардан 222 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар кўрган.

Албатта, табиат ҳолати бирданига ва дарҳол ёмонлашиб қолмайди. Бу узоқ давом этадиган жараёндир. Шундай экан, тараққиётнинг ҳозирги босқичи ва келажаги ана шу муаммонинг қай даражада ҳал этилишига боғлиқ.

ХАЛҚАРО ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ИТТИФОҚИ МАЪЛУМОТЛАРИГА ҚАРАГАНДА, ОХИРГИ ИККИ ЮЗ ЙИЛДА **300 ДАН ОРТИҚ** СУТ ЭМИЗУВЧИ ВА ҚУШЛАР ТУРИ ЙЎҚ ҚИЛИНГАН. АЙНИҚСА, ҲАВОДА ЗАҲАРЛИ ГАЗЛАР МИҚДОРИ КЎПАЙИШИ НАТИЖАСИДА ҚУШЛАРГА КЎПРОҚ ҚИРОН КЕЛТИРИЛМОҚДА. КЕЙИНГИ **30 ЙИЛДА** ЕВРОПАДА ҚУШЛАРНИНГ ЮЗДАН ЗИЁД ТУРИ, ШИМОЛИЙ АМЕРИКАДА ЭСА ИККИ БАРАВАРГА ЯҚИН ҚУШЛАР КАМАЙИБ КЕТГАН.

ВОҚЕАЛАР, ДАЛИЛЛАР, ШАРҲЛАР

«POLYTRON» ҒАРОЙИБ ИШГА ҚЎЛ УРДИ

Тайваннинг шиша маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Polytron» компанияси биринчилардан бўлиб шаффоф смартфонларни яратишга муваффақ бўлди. Ҳозирча компания вакиллари янги телефон ҳақида батафсил маълумотни ошкор этмаяптилар. Айрим мутахассислар эса мазкур алоқа воситасининг бор-йўғи прототип эканлигини таъкидлашмоқда. Лекин жорий йил давомида аппаратни ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши кўзда тутилаётгани маълум қилинмоқда.

Мобил саноатида ғаройиб янгилик ҳисобланган шаффоф ускунанинг «Polytron» компаниясига қанча фойда келтиришини эса вақт кўрсатади.

ҲИНДИСТОН 72 СОАТГА УЗАЙТИРИЛАЯПТИ

Хабарларга қараганда, Ҳиндистон ҳукумати мамлакатга ташриф буюраётган сайёҳлар фойдасини кўзлаб, виза режимига енгиллик киритишни режалаштирмоқда. Мақсад саёҳатчиларни мамлакатда кўпроқ ушлаб туриш, яъни уларнинг саёҳат кунларини узайтиришдан иборатдир.

Мазкур қоида бир неча ойлардан сўнг Деҳли ва Мумбайда амалга оширилиши кутилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, янги қоида белгиланган 72 соатгача бўлган муҳлат орасида саёҳатчилар бемалол Ҳиндистоннинг энг машҳур обидалари Тожмахал ва Хава-Махал саройларини кўриш учун кифоя қилар экан.

ЭНДИ АЁЛЛАР УЧУН ШИМ КИЙИШГА РУХСАТ

Парижда 1799 йилдан буён амалда бўлган хотин-қизларга жамоат жойларида шим кийишга қўйилган тақиқ бекор қилинди. Маълумотларга қараганда, мазкур қоидани аввал ҳам бир неча бор бекор қилиш устида иш олиб борилган. Бироқ барча уринишлар зое кетган. Эътиборлиси, меъёрий ҳужжатга мувофиқ, Париж полициясинин шим кийган аёлни ҳибсга олиш ҳуқуқига ҳам эга эди.

Таъкидлаш жоиз, илгари аёллар шимни фақат махсус рухсат олинганидан сўнг велосипедда ва от минганда кийишлари мумкин эди.

КЛИНТОН ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

Ўтган ҳафтанинг муҳим воқеаларидан бири — бу АҚШ давлат котиби Хиллари Клинтоннинг истеъфога чиқиши бўлди. У расман ўз лавозимини Жон Керрига топшириб берди. Давлат департаментини тарк этишдан аввал Клинтон хоним президент Барак Обамага ташаккурнома ўқиб, Оқ уй маъмуриятида хизмат қилиш ва халқаро майдонда АҚШ номидан иштирок этиш унинг учун ғоят шарафли вазифа бўлганини таъкидлаган.

Сўнгги саҳифа

Футбол

Бош мураббий хатоларни тан олди

2015 ЙИЛГИ ОСИЁ КУБОГИНИНГ САРАЛАШ БОСҚИЧИ ДОИРАСИДА ГОНКОНГ ТЕРМАСИГА ҚАРШИ МАЙДОНГА ТУШГАН МИЛЛИЙ ЖАМОАМИЗ МАВСУМНИНГ ИЛК УЧРАШУВИНИ 0:0 ҲИСОБДАГИ ДУРАНГ БИЛАН ЯКУНЛАДИ

Шуҳрат ХЎЖАЕВ,
«XXI ASR»

Тўлалигича ўзбекистонлик футболчилар устунлигида ўтган учрашувда вакилларимизга қишки таътилда йўқотилган ўйин амалиёти етишмаган бўлса, терма жамоамизни яхши ўрганиб чиққан меҳмонларга кўп ҳолларда омад кулиб боқди.

Таъкидлаш жоиз: рақибларнинг онда-сонда уюштирган қарши ҳужумлари остида ўтган биринчи бўлимда Сервер Жепаров, Акмал Шораҳмедов ҳамда Жасур Ҳасановлар қулай вазиятларга чиққан бўлсалар-да, етакчиларимиз бу имкониятлардан фойдалана олмадилар.

Танаффусдан кейин шундоқ ҳам бутунлай ҳимояга «ётиб олган» Гонконг жамоаси кўп ўтмай, майдонда ўн киши бўлиб ўйнай бошлади: 58-дақиқада дарвозабон билан яккама-якка вазиятга чиқаётган Улуғбек Бақоевни йиқитган меҳмонлар ҳимоячиси — Ло Кван Йе майдондан четлатилди. Табиийки, шундан кейин рақиб жамоа ҳужум қилишни хаёлидан ҳам чиқарди. Шунга қарамай, футболчиларимиз саъй-ҳаракати билан уюштирилган сон-саноқсиз комбинациялардан кейин Александр Гейнрих, Улуғбек Бақоев, Сервер Жепаров ҳамда Одил Аҳмедовда жуда яхши имконият яратилган бўлса-да, сўнгги «нуқта»ни қўйиш ҳеч бир футболчимизга насиб этмади. Кўп вазиятда бунга ҳимоячилар тўсқинлик қилган бўлса, бир неча маротаба гонконгликларни дарвозабон ва дарвоза устуни қутқариб қолди. Оқибатда бундан қарийб етти йил аввал «Осиё кубоги-2007» саралаш босқичида Ўзбекистон жамоасига қарши кетма-кет ўтказилган икки ўйинда (2:2 ва 0:0) дуранг қайд этган гонконгликлар бу гал ҳам Тошкентдан очко олиб кетишга муваффақ бўлдилар.

— Бугунги ўйинни ютишимиз керак эди. Бироқ биринчи бўлимда вазиятлардан унумли фойдалана олмай, кўп хатоларга йўл қўйдик, — деди ўйиндан сўнг терма жамоамиз бош мураббийи Миржалол Қосимов. — Бундай ўйинларда учрашув тақдирини битта гол ҳал қилиши барчамизга маълум. Аммо биз бунинг уддасидан чиқа олмадик. Қисқаси, учрашувнинг дуранг билан якунланишига ўзимиз айбдормиз. Шундай бўлса-да, бугун имкон қадар мухлисларни хушнуд этишга ҳаракат қилган шогирдларимга ҳеч қандай эътирозим йўқлигини маълум қилмоқчиман. Бизни қўллаб-қувватлаган минглаб ишқибозларни ишонтириб айтаманки, бугун амалга ошмай қолган голларни 26 март куни Ливан терма жамоаси дарвозасига киритамиз.

Дарҳақиқат, умид қиламизки, мавсумни кутилмаган натижа билан бошлаган жамоамиз мазкур ўйинда йўл қўйилган хатолардан тўғри хулоса чиқариб, Ливанга қарши ўтказиладиган «ЖЧ-2014» саралаш баҳси учрашувида майдонга барча муаммолардан халос бўлган ҳолда тушадилар.

Шу ўринда «Австралия-2015» турнирининг квалификацион ўйинлари ҳақида икки оғиз сўз: Осиё футболи тарихида илк бора бошқа қитъада (илгари Океания минтақаси вакили ҳисобланган Австралия Футбол федерацияси 2006 йилда Осиё Футбол конфедерацияси аъзолигини қабул қилган) ташкил этиладиган мусобақанинг саралаш беллашувларида ўзбекистонлик футболчилар «Е» гуруҳида Гонконг, шунингдек, БАА ва Вьетнам чарм тўп усталари билан ўзаро баҳслашадилар. Финал босқичи йўлланмаси эса гуруҳда дастлабки икки ўринни эгаллаганларга берилади.

Дарвоқе, гуруҳнинг шу куни бўлиб ўтган иккинчи ўйинида амирлик футболчилар сафарда Вьетнам термасини 2:1 ҳисобида маглуб этдилар.

Энди Миржалол Қосимов шогирдлари гуруҳдаги навбатдаги учрашувларини БААга қарши ўтказадилар. Ўйин 22 март куни Абу-Дабида бўлиб ўтади.

Назорат

РЕНТГЕН 12 КГ. ТИЛЛА ТОПДИ

Маълумки, 1997 йил 10 октябрдаги «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини мувофиқлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент фармонига мувофиқ, республикамиздан тилла ва заргарлик буюмларини экспорт қилиш фақатгина Вазирлар Маҳкамаси кўрсатмасига асосан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан бериладиган лиензия асосида амалга оширилади.

Афсуски, мазкур тартибларга риоя қилмасдан тилла ва заргарлик буюмларини юртимиз сарҳаллари орқали ноқонуний олиб ўтишга уринаётган кимсалар ҳам йўқ эмас. Яқинда «Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан божхона қоидабузилишлари ва контрабандага қарши курашишда янги замонавий ахборот-технологияларидан, хусусан, назорат-рентген аппаратларидан унумли фойдаланиш натижасида «Тошкент-Истамбул» рейси орқали 12,2 кг. миқдордаги тилла буюмларнинг ноқонуний йўл билан олиб чиқиб кетишга уринган 3 нафар фуқаро қўлга олинди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текшируви ва суриштирув жараёнлари давом этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, 2012 йил мобайнида божхоначиларимиз бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда 371 та қонунбузарлик ҳолатларида салкам 34 кг. тилла ва заргарлик буюмларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйдилар.

«Тошкент-Аэро» ИБК Ахборот хизмати

ХАБАРЛАР

ЗОМИНДАГИ МУЗЕЙ БИНОСИ ЯНГИЛАНДИ

Зомин ўлкашунослик музейини реконструкция қилиш ишлари якунланди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ахборот хизматидан хабар қилинишича, 1996 йилда очилган музей фондида айни пайтда 30 мингдан ортиқ экспонат бўлиб, улар археология, этнография ва мустақиллик даври бўлимларидан ўрин олган.

— Қайта таъмирланган музей биноси дизайни буткул ўзгартирилган бўлиб, аввал шунчаки стол устига жойлаштирилган ёдгорликлар учун энди махсус жойлар ажратилди, — дейди Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси бошлиғи Равшан Мансуров. — Музейда III асрдан тортиб то ҳозирги давргача мансуб бўлган тарихий топилмалар йиғилган. Зеро, бу ерга келган меҳмонлар Кушон давлати, Қорохонийлар салтанати, араблар ва мўғуллар истилоси даврига оид ноёб экспонатлар, шунингдек, табиий ғорларда яшаган одамларга тегишли бўлган қурол-яроғларни кўриши мумкин.

ХОРАЗМНИНГ ЎЗ «КУКУН»И БЎЛАДИ

«Обод турмуш йили»да хоразмлик уй бекалари вилоятнинг ўзида ишлаб чиқарилган сифатли, жаҳон стандарти талабларига жавоб берадиган кир ювиш кукунларини харид қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Урганч шаҳрида таъсис этилган «Биллур интеграл сервис» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси ўз саноат линиясида сўнгги монтаж ишларини охирига етказмоқда. Саноқли кунлардан кейин бу ерда кунига 30 тонна юқори сифатли кир ювиш кукуни ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, Хитойнинг «БЭНМА» компанияси кундалик турмушимизда зарур бўлган бошқа муҳим синтетик ашёлар - атирсовун, гель ишлаб чиқарадиган линияларни ҳам ўрнатаяпти. Яқин истиқболда «Биллур интеграл сервис» малакали ишчи ўринлари сонини 100 тага етказади. Шу йўл билан саноатда диверсификация жараёнида яна бир ишончли қадам қўйилади. Иккинчидан, импорт харажатлари қисқартирилади.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ тайёрлади.

«ШАРҚ»ҚА «ОЛТИН СЕРТИФИКАТ»

Мамлакатимизнинг йирик газета-журнал мажмуаларидан бири — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясига «TÜV International Certification» (TIC) халқаро ташкилотининг ISO 9001 стандарти бўйича «Олтин сертификат» топширилди.

TICнинг мамлакатимиздаги расмий вакили Риад Ибрагимов «Шарқ» НМАК бош директори ўринбосари Равшан Ҳамзаевга мазкур сертификатни топширар экан, жамоасининг кейинги фаолиятига омад тилади.

НМАК ахборот хизматининг хабар қилишича, қарийб бир йил аввал ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот сифатини ошириш, шунингдек, бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида компания ўз тармоқларида ISO 9001 халқаро стандартлар тизимини жорий этиш чора-тадбирларини амалга ошира бошлаган эди. Ана шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ ишлаб чиқарилаётган газета-журнал ва китоблар адади ошиб, сифати яхшиланган.

Маълумот ўринда «Шарқ» НМАК 1921 йилда ишга туширилган босмахона ҳамда 1924 йилдан фаолият кўрсата бошлаган нашриётнинг кейинчалик бирлашиши натижасида ташкил этилганини айтиб ўтиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИНИНГ

«Йилнинг энг фаол журналисти — 2012»

ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ!

Ҳурматли ҳамкасблар!

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни «Йилнинг энг фаол журналисти — 2012» республика танловида қатнашишга таклиф этади.

Танловга 2012 йилнинг 1 июнидан 2013 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади. Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим. «Йилнинг энг фаол журналисти — 2012» танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади.

Материаллар «Йилнинг энг фаол журналисти — 2012» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:
100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават, 30, 35-хоналар.
Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87. **www.Journalist.uz**

Реклама ўрнида



ASIA ALLIANCE BANK

Келажак манфаатларига йўналтирилаётган сармоялар

МАМЛАКАТИМИЗ МОЛИЯ БОЗОРИДА ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ «ASIA ALLIANCE BANK»НИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

Акбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI ASR»

Ишни оқилона ташкил этиш, соҳадаги илғор тажрибалардан унумли фойдаланиш натижасида мижозларнинг банкка бўлган ишончи ортиб, улар аудитория-си йил сайин кенгайиб бормоқда.

Энг муҳими, кредит сармоялари миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётир. Уларнинг асосий қисми тадбиркорлик, савдо-саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва қурилиш соҳаларига тўғри келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Аниқ рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган йили саноат тармоғи учун 33,98 млрд. сўм, қишлоқ хўжалиги секторига 1,1 млрд. сўм, қурилиш индустриясига 4,73 млрд. сўм, умумий овқатланиш соҳасини қўллаб-қувватлаш учун 36,31 млрд. сўм маблағ ажратилди.

Шубҳасиз, юрт равнақи, турмуш фаровонлиги йўлидаги ҳар қандай хайрли интилиш халқимизнинг орзу-мақсадлари билан муштаракдир. Шу маънода, «Asia alliance bank» жамоасининг молиявий фаолиятидан ҳар қанча ибрат олса арзийди. Зеро, мижоз манфаати улар учун устувор масалалардан бири саналади.

Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ўз вақтида кредитлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили ана шу мақсадлар учун 118,59 млрд. сўм маблағ йўналтирилганлиги фикримиз далилидир. Ушбу сармоялар сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш, турли соҳаларга ихтисослашган корхоналар фаолиятини янада жонлантириш ва янгиларини барпо этишда жуда қўл келаяпти.

Мамлакатимиз Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ва «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори молия муассасалари учун ҳам муҳим дастурламал бўлиб хизмат қилмоқда. Тўғри, ҳозирги кучли рақобат шароитида тадбиркорлик асосида иш юритиш осон эмас. Банк жамоаси буни чуқур ҳис этиб, кичик бизнес вакилларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга интилмоқда. Йиллар синовидан ўтган ишончли шериклик эса ҳар икки томон учун катта иқтисодий самара келтирмоқда.

Иқтисодиётнинг ҳозирги равнақини лизинг хизматларисиз тасаввур этиш қийин. Нега деганда, ушбу жараён ишлаб чиқаришни модернизациялаш, жойларда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш билан чамбарчас боғлиқдир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар лизинг хизматлари бозорини босқичма-босқич ривожлантириш имконини бермоқда. Натижада ялпи ички маҳсулот ҳажмида лизинг операциялари улуши тобора ошиб, ушбу фаолият тури билан шуғулланадиган молия муассасалари, компания ва кредит уюшмалари кўпайиб бораяпти. Ўтган йили «Asia alliance bank» томонидан лизинг компаниялари фаолиятини кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилди. Ана шу мақсадлар учун туризм соҳаси ва жисмоний шахсларга 25,93 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилганлиги фикримиз далилидир.

> БАНК ТОМОНИДАН ЎТГАН ЙИЛИ САНОАТ ТАРМОҒИ УЧУН 33,98 МЛРД. СЎМ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СЕКТОРИГА 1,1 МЛРД. СЎМ, ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИГА 4,73 МЛРД. СЎМ, УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ СОҲАСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ УЧУН 36,31 МЛРД. СЎМ МАБЛАҒ АЖРАТИЛДИ.

Бу каби хайрли ишлар «Обод турмуш йили»да ҳам изчил давом эттирилади. Энг муҳими, микролизинг ва микрокредитлар салмоғини ошириш учун банкда ички имкониятлар етарли. Мижозларга сифатли ва замон талабларига мос хизматлар таклиф этилаётганлиги таҳсинга лойиқдир. Бу эса банкнинг келажагига бўлган ишончни янада мустаҳкамлайди.

Бир сўз билан айтганда, «Asia alliance bank» мамлакат равнақи, эл фаровонлиги йўлида самарали фаолият юритиб, иқтисодий соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Ҳар бир мижозга хизмат кўрсатишнинг индивидуал кўринишларини таклиф этаётган банкнинг халқаро миқёсдаги мавқеи ҳам янада юксалиб бормоқда.

Республикамиздаги вазирлик, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, тиббиёт муассасалари, корхона ва ташкилотлар диққатига!

«Шарқ Имп Экс» туристик компанияси Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива шаҳарлари бўйлаб барча қулайликларга эга бўлган саёҳатлар уюштиришини маълум қилади. Нархлар келишилган ҳолда амалга оширилади.

Маълумот учун телефонлар: (+99898) 273-02-95, (+99895) 507-04-60

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Баҳриёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шуҳрат НОРГИТОВ, Шуҳрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.
ТАҲРИРИЯТ: Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Носир ТОШЕВ, Ориф ҲИЛМАСОВ, Янгибой ҚЎЧҚОРОВ.
БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ.
БЎЛИМЛАР: Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, ҳаётлар ва шиҳоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ишлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 6375. Тираж: 24 010
Баҳоси келишилган нархда
Топширилди — 20:00

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X

Навбатчилар:
Қ.САЙДАЛИЕВ, Ж.ЖЎРАЕВ.